

# Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 26 НОЯБРЬ 2022 ЙИЛ | №47 (2081)

www.xolisnazar.uz @xolis\_nazar @xolisnazar

## «УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ» ТАРИХ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК УЧРАШГАН МАНЗИЛ



5-саҳифада.

КЎЗГУ

**ХУДУД ҚАТТАЛИГИ, ХОНАДОН  
СОНИ КЎПЛИГИ РАИСГА  
МУАММО ТУҒДИРАДИМИ?**



АЙРИМ ХУДУДЛАРДА МАҲАЛЛАНИНГ У ЧЕТИДАН БУ ЧЕТИГАЧА  
БЎЛГАН МАСОФА 100 КИЛОМЕТРДАН Ортиқроқни ташкил  
этади. Бу ҳолатда бугунги кун талаби саналган  
«МАҲАЛЛАБАЙ», «ХОНАДОНБАЙ», «ОИЛАБАЙ» ишларни  
ташкил этишда қийинчиликлар туғилиши табиий

6

ЖАРАЁН

**«БУВИЖОНЛАР МАКТАБИ»  
ТЎҒРИ НАСИҲАТ БЕРАДИ,  
ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАЙДИ**



ҲАЁТ СИНОВЛАРИДАН МАТОНАТ БИЛАН ЎТГАН,  
МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ АҲВОЛДАН ХАБАРДОР  
ОНАХОНЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БУ ҲАРАКАТ ЁШЛАРГА  
ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШ, УЛАРНИ ЖАМИЯТДАГИ ВАЗИЯТЛАРГА  
ТАЙЁРЛАШГА КЎМАКЛАШАДИ

9

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ:

**ЎҚИШГА ИМТИЁЗ АСОСИДА  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ,  
БИРОҚ...**



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ЛАВОЗИМИГА ИШГА ЎТИШ АЙНАН ОЛИЙ  
ТАЪЛИМГА ИМТИЁЗ САБАБЛИ КОРРУПЦИЯ МАНБАСИГА  
АЙЛАНМАЙДИМИ? ЙЎЛИНИ ТОПГАНЛАР ФАРЗАНДИНИ ОЛИЙ  
МАЪЛУМОТЛИ БЎЛИШИ УЧУН БУ ЛАВОЗИМДАН ЎЗ МАНФААТИ  
ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНМАЙДИМИ?

13

## КУН НАФАСИ

— Мен қаерга бормайин, кўпроқ ёшлар билан учрашишга ҳаракат қиламан. Тараққиёт стратегиямизда, ҳудудий дастурларда катта мақсадлар қўйганмиз. Агар давлат ташкилотлари, барча даражадаги раҳбарлар ёшлар масалалари билан мукамал шуғулланмас экан, бу марраларга эришиб бўлмайди, — деди Президент.

# «Ҳамма масалаларга халқимиз билан бамаслаҳат ечим топсак, натижа бўлади»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ  
25 НОЯБРЬ КУНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Навоий шаҳрида халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида вилоят аҳлига чуқур ҳурмати билдириб, сессияни очиб мулоқот тарзида ўтказишни таклиф этди.

— Бугунги учрашувимиздан энг катта мақсад-муддаомиз — очик мулоқот. Навоий вилоятидаги 330 та маҳалла, 1 миллион 50 минг аҳолининг дардини баралла айтиб, чорасини топишимиз керак. Хурматли депутатлар, нуронийлар, ўғил-қизларим, юракдаги гапларингизни, жойлардаги муаммони очик айтсангиз, менга дўст бўласизлар. Ҳамма масалаларга халқимиз билан бамаслаҳат ечим топсак, натижа бўлади. Бу учрашувдан мен ҳам рози бўлайин, халқимиз ҳам рози бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мулоқотда Навоий вилояти ривожининг бугунги ҳолати таҳлил қилинди. Охириги уч йилда ҳудудда 2 миллиард долларлик йирик sanoat лойиҳалари ишга тушган. Бунинг натижасида 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, йилига қўшимча 1 триллион сўм солиқ тушуми ва 100 миллион доллар экспорт таъминланган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Навоий

вилояти ҳоқими лавозимига Нормат Турсунов номзодини тавсия этди. Н.Турсунов 1972 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Кўп йиллар давлат солиқ тизимида ишлаган. У 2021 йил ноябрь ойидан буён Навоий вилояти ҳоқими вазифасини бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари номзодни лавозимга тасдиқлашдан аввал очик мулоқот қилиб, унинг режаларини эшитишни таклиф этди. Нормат Турсунов вилоятда тадбиркорлик, sanoat, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича режаларини тақдимот қилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун келгуси йилда 26 та маҳаллий sanoat маркази ва кичик sanoat зоналари ташкил этиш, оилавий тадбиркорлик дастурлари учун 600 миллиард сўм йўналтириш вазифаси қўйилди. Умуман, Навоий вилоятини «камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли ҳудуд»га айлантириш мумкинлиги таъкидланди.

Хатирчи, Кармана, Навбаҳор, Қизилтепа ва Нурота туманларидаги 72 та маҳалла картошка, сабзавот, узум ва анор етиштиришга ихтисослашган. Давлатимиз раҳбари бу имкониятларни кенгайтириш учун мазкур маҳаллалар

атрофидаги 5 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Ййлов ўсимликлари уруғчилиги хўжалиги, каврак плантациялари, агрологистика марказларини ташкил этиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, мактаб ва боғчалар барпо этиш, аҳолини уй-жой ва ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Умуман, 2023 йилда вилоятда ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўшимча 655 миллиард сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга яна 750 миллиард сўм ресурс ажратилиши маълум қилинди.

Тақдимотдан сўнг вилоят кенгаши депутатлари номзоднинг режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Навоий вилояти ҳоқимини тайинлаш масаласи овозга қўйилди. Унинг натижаларига кўра, Нормат Турсунов Навоий вилоятининг ҳоқими этиб тасдиқланди.

**Давлатимиз раҳбари навоийлик ёшлар билан мулоқот қилди.**

— Мен қаерга бормайин, кўпроқ ёшлар билан учрашишга ҳаракат қиламан. Тараққиёт стратегиямизда, ҳудудий дастурларда катта мақсадлар қўйганмиз. Агар давлат таш-

килотлари, барча даражадаги раҳбарлар ёшлар масалалари билан мукамал шуғулланмас экан, бу марраларга эришиб бўлмайди, — деди Президент.

Президент ёшларнинг фикрлари, таклифларини эшитди. Ёшларнинг меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларни ўрганиши ва иш топишига ёрдам берувчи янги платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди. Sanoat зоналарига ёшларни жалб этиш, ййловларга сув чиқариб, чорвачилик ташаббусларини тадбиркорлик жамғармаси орқали қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Навоий шаҳрида ихтисослашган спорт мактаби ва маҳаллаларда спорт тўғралакларни ташкил этиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш муҳимлиги қайд этилди. Ёшлар жамғармасидан вилоятдаги 325 та мактабни китоб ва мусиқа асбоблари билан таъминлаш, маданий тадбирларни кўпайтириш масалаларига ҳам аҳамият қаратилди.

Учрашувда илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича Навоий вилояти тажрибаси яратилиши белгиланди. Бу тизимнинг асосий мақсади ёшларни маънавий-маърифий ривожлантириш, бандлигини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини маз-

муни ташкил этиш бўлади.

**Президентнинг Навоий вилоятига ташрифи чоғида «Зарафшон ойна» корхонасини ишга туширишга бағишланган маросим бўлди.**

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда вилоятга ташрифи чоғида ойна ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берган эди. Бугунга келиб, 250 миллион долларлик ушбу лойиҳа ҳаётга кўчди. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 12 миллион квадрат метр. Маҳсулотлар импорт ўрнини босиш билан бирга экспортга ҳам мўлжалланган. Бу ерда 700 киши иш билан таъминланган. Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, «Зарафшон ойна» корхонасини ишга туширди.

Давлатимиз раҳбари Навоий шаҳридаги «Гидро Станко Сервис» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

25 ноябрь куни «Навоий» эркин иқтисодий зонасини ҳамда Навоий халқаро аэропорти юк терминалини бошқариш бўйича ҳужжатлар имзоланди. Бу маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади.

**Президент Матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Тўра Боболов Боботоғ ҳудуди аҳолиси билан учрашди

Сурхондарё вилояти ҳоқими Тўра Боболов сектор раҳбарлари билан биргаликда Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ишлар билан танишди ва 45-умумтаълим мактаби биносига аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида сайёр қабул ўтказди.

Сайёр қабулда боботоғлик 31 нафар фуқаронинг 52 та турли масаладаги муурожаатлари тингланди. Уларнинг 14 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди, 38 та муурожаат ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш ҳамда маблағ талаб этгани боис масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.

— Сайёр қабулда ўзимизни қийнаётган масалаларни баён этдик, — дейди шу ерда яшовчи Собир Холбоев. — Жумладан, ўзим ҳудуддаги ерлар, асосан, адирликларда жойлашгани, сувсиз эканини билдириб, ер солиғи ставкаларини тушириш масаласида муурожаат қилдим. Вилоят раҳбари туман ҳоқими ва солиқ органи раҳбарларига ушбу масалани тегишли тартибда кўриб

чиқиб, солиқ ставкаларини тушириш масаласини туман Кенгаши депутатлари муҳокамасига киритиш бўйича кўрсатмалар берди.

Учрашув сўнггида вилоят раҳбари Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурда белгиланган ҳудуд аҳолиси учун қулайликлар яратиш ва инфратузилмани яхшилаш борасидаги ишлар 2023 йилда ҳам давом эттирилишини маълум қилди. Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилиши бўйича масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар ҳамда аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Чаман АРОМОВА.



ЭЪТИРОФ

Ҳар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишламасин, ота-онаси, фарзандлари олдида, ўз Ватани, маҳалласи, келгуси авлодлар олдида ҳалол ва виждонан қилган меҳнатининг самарасини, эътирофини, қадр топганини кўрар экан, бундай инсон ўзини, албатта, бахтли деб ҳис қилади.

# «Маҳалла ифтихори» — ҳам ифтихор, ҳам масъулият демакдир

МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИДА МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ИШИДА ФИДОЙИЛИК КўРСАТИБ КЕЛАЁТГАН, ЮРТИМИЗ РАВНАҚИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАЁТГАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗ «МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ» КўКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Маҳалла одамларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари ва манфаатларини қўллаб-қувватлайдиган, барча эзгу ва хайрли ишларга тамал тоши қўйиладиган маскан саналади. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашару маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши-ёмон кунда бирга бўлиш каби халқимизга хос фазилатлар маҳалла муҳитида шаклланган.



Бугун халқимизнинг тақдири маҳаллаларга пайванд, ўз навбатида, одамларнинг ташвиши, қувончу шодлиги маҳалла учун асло бегона эмас. Ана шу жонқуяр одамлар кўмаги ва эзгу амаллар тўғрисида инсонпарварлик, адолат-парварлик гоёлари жамиятимизга изчил татбиқ этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши фидойи ва меҳнаткаш, маҳалласи, элу юрти ташвишида тунларни тонгларга улаган фидойи юртдошларимизни тақдирлаш учун муҳим ҳуқуқий асос, меҳнатига муносиб рағбат бўлди.

Мазкур қарор ижроси доирасида **жорий йилнинг 26 август кунини Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг тегишли буйруғи** қабул қилинди ҳамда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонининг бу йилги соҳиблари рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, **500 нафар** шижоатли, фидойи, фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларининг маҳалла тизимини

ривожлантириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишдаги фаоллиги ҳамда бу борада эришган алоҳида ютуқлари учун ана шундай юксак шарафга лойиқ топилди.

Ҳар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишламасин, ота-онаси, фарзандлари олдида, ўз Ватани, маҳалласи, келгуси авлодлар олдида ҳалол ва виждонан қилган меҳнатининг самарасини, эътирофини, қадр топганини кўрар экан, бундай инсон ўзини, албатта, бахтли деб ҳис қилади. Эътиборлиси, тақдирланганлар орасида маҳалла тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган ходимлар, маҳалласи билан бир тану бир жонга айланган йиғин фаоллари билан бирга, юртимиздаги осойишталик, фаровонликка ҳисса қўшаётган, маҳалла юмушига ҳеч оғринмасдан елка тутиб келаётган тадбиркорлар, ўқитувчи ва педагоглар, шифокорлар, турли нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳам бор.

— 21 йилдан буён маҳалла тизимида фаолият олиб бораман, — дейди **Ғузур туманидаги «Обиҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамидулла Мейлиқулов**. — 2021-2022 йиллар давомида кучли «бешлик» — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори биргаликда иш олиб бордик ва юқори натижага эришдик. Шу йиллар давомида маҳаллада бирорта жиноят, оилавий ажралиш қайд этилмади. 2021 йилда маҳалламизда «Обод қишлоқ» дастури доирасида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Маҳалламиз биноси қайта реконструкция қилинди. Кўксимга «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони тақиларкан, жудаям руҳланиб кетдим, юрагим ғурур ва ифтихорга тўлди. Бу нишонни барча маҳалладошларим ютуғи, ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатларимиз самараси, деб биламан.

«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан

совриндорларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари (ҳозирда 1 млн. 200 минг сўм) миқдорида пул мукофоти ҳамда мамлакатимиз санаторийларида даволанишлари учун **бир мартабалик бепул йўлланма** берилади. Шу билан бирга, уларнинг маҳалла тизими ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ва ибратли фаолиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда туман (шаҳар) марказларидаги «Маҳалла маркази» мажмуалари биноларига «**Маҳалламиз ифтихорлари**» ахборот пешлавласи ўрнатилади.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигида ташкил этилган навбатдаги тантанали маросимда бир гуруҳ юртдошларимизга мазкур кўкрак нишонлари топширилди. Тақдирланганлар ушбу эътироф юртимизда инсон шаъни, қадр-қиммати юксак қадрланиши, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватан тараққиёти, соғлом авлод тарбияси, юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатаётган

юртдошларимизнинг меҳнати ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслигининг ўзига хос намунаси эканини алоҳида таъкидладилар.

— Камтарона меҳнатларим инобатга олиниб, ушбу нишон билан мукофотланганимдан беҳад мамнунман, — дейди **Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси бошлиғи Равшан Ҳайдаров**. — Иш фаолиятимизда имкон қадар шаҳардаги маҳаллалар аҳлининг муаммоларини ҳал этишга, ишончларини оқлашга ҳаракат қиламан. Энг муҳими, ҳамжиҳатликда олиб бораётган ишларимиз самараси ўларок, маҳалламизда жорий йилда салбий ва кўнгилсиз ҳолатлар умуман қамайди. Ушбу мукофот менга катта масъулият юклайди. Юртим равнақи йўлида янада фаол ишлаш учун бор имкониятларимни ишга соламан.

Тантанали маросимда Президент маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхан Худайбергенов иштирок этди.

Улугбек ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Кўркам бино ва муносиб шароит

Зарафшон шаҳридаги «Қурувчи» маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг янги биносига эга бўлди. Шу вақтгача маҳалла ходимлари ҳудуддаги ётоқхона биносида фаолият юритишга мажбур бўлаётганди. Ҳудудда 7 748 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари яшаб келмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Зарафшон шаҳар бўлинмаси доимий равишда фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бизнинг вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Шу мақсадда янги бинога эга бўлган «Қурувчи» маҳалласи фаолларига, тўйга тўёна билан келади, деганларидек, Фонднинг шаҳар бўлинмаси томонидан беғараз ҳолда бир дона маиший кондиционер совға қилинди.

Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг ўзида шаҳардаги бешта фуқаролар йиғинларига компьютер, битта маҳаллага мебель жамланмаси совға қилинди. Бундан кўзланган мақсад аниқ: шу ерда ишлайдиган ходимларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлашдан иборат.

Дилшод ҲУСЕНОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Зарафшон шаҳар бўлинмаси раиси в.в.б.



## КУН НАФАСИ

Яна бир долзарб масала, бу — электр энергияси. Айтиш керакки, раислар иштирокида электр энергияси бўйича 307 та хонадонда аниқланган муаммолар эски симёғочларни алмаштириш ва қисқа туташувга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш орқали 158 та хонадонда электр таъминоти яхшиланди.

# Маҳаллалар муаммолари вазирлик масъулларининг эътиборида

**МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ МАСЪУЛЛАРИ ТИЗИМДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ, ЖОЙЛАРДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛАЛАРИДА БЎЛДИ**

Айтиш керакки, Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларидаги 86 та фуқаролар йиғини «оғир тоифа»даги маҳаллалар рўйхатига киритилган. Бу ҳудудларда йўл, электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти, ичимлик суви, бандлик, ижтимоий инфратузилма билан боғлиқ қатор масалалар йиғилиб қолган. Энг ачинарлиси, уларнинг ҳар бири ечимини йиллар давомида кутиб ётибди.



Яқунланаётган ҳафтада Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги раҳбар ва масъул ходимлари томонидан вилоятнинг 22 туман ва шаҳарларидаги маҳаллаларда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари, маҳаллий аҳоли вакиллари билан учрашувлар давомида уларни қийнаётган муаммолар жойларга чиқиб ўрганилди. Шунингдек, туман, шаҳарлардаги аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида куз-қиш мавсумида қулай шариоитлар яратиш мақсадида энг оғир деб кўрсатилган маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш чоралари бирма-бир маҳаллалар кесимида кўриб чиқилди.

## МАҲАЛЛА РАИСИ ҲАР КУНИ 10 ТАДАН ХОНАДОННИ ЎРГАНАДИ

Эътиборлиси, бу жараёнларда маҳалла ходимларининг масъулияти ва фаоллиги оширилиб, янги тизим асосида иш олиб бориш йўлга қўйилди. Унга кўра, эндиликда фуқаролар йиғинлари раислари ҳар куни ўз ҳудудидаги 10 тадан хонадонни қатъий тартибда ўрганади ҳамда кунлик мониторинг ишларини олиб боради. Бу тизимнинг аҳамияти шундаки, бундан буён бирорта хонадон, у хоҳ эҳтиёжман, кам таъминланган, у хоҳ ногиронлиги бор, якка ёлғиз шахслар яшаётган оила бўлсин, ҳар бири маҳалла раисларининг ҳудудидаги ҳар битта хонадондан хабардорлиги ошади.

Ўрганишларнинг дастлабки икки кунда 1 022 нафар маҳалла раислари томонидан 20 220 та хонадон ўрганилиб 1 689 та муаммо аниқланди ҳамда уларнинг 823 тасига ҳамкор ташкилотлар, ҳомий ва ташаббускорлар орқали ечим топилди. Хусусан, табиий газ тармоқларига уланишда 237 та хонадонда муаммолар аниқланиб, уларнинг 126 таси ижобий

ҳал этилди. Бу орқали Пискент туманидаги «Саидобод», «Янғобод», «Истиклол», Бўка туманидаги «Ибрат», «Бешкапа», «Қорақўйли», «Ачамайли», Тошкент туманидаги «Аҳилик», «Оқтош» маҳаллалари аҳолиси хонадонига илиқлик кирди.

Яна бир долзарб масала, бу — электр энергияси. Айтиш керакки, раислар иштирокида электр энергияси бўйича 307 та хонадонда аниқланган муаммолар эски симёғочларни алмаштириш ва қисқа туташувга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш орқали 158 та хонадонда электр таъминоти яхшиланди. Хусусан, Бекобод шаҳридаги «Наврўз», «Сайхун», Олмалик шаҳридаги «Саховат», «Намуна», Бекобод туманидаги «Қўқони», «Буёқкор», Бўка туманидаги «Рамодон», «Маданият» маҳаллаларида аниқланган муаммолар ва эскирган симёғочлар алмаштирилди.

Қолаверса, 97 та хонадонда суюлтирилган газ етиб келмаслиги аниқланиб, уларнинг 64 тасига суюлтирилган газ баллонлари етказилди. 179 та хонадонда кўмир маҳсулотига эҳтиёжлари борлиги аниқланиб, улардан 115 тасига кўмир етказилиши таъминланди. Бу орқали Пискент туманидаги «Дўстлик», «Ғайрат», «Оқтом», «Дўнкўрғон», Паркент туманидаги «Кичик кўрғон», Оҳангарон туманидаги «Чинор», «Четсу», «Кўксарой», Ўртачирчиқ туманидаги «Йўнғичқоли», Ангрен шаҳридаги «Дўстлик», «Самарчуғ», «Хаккарман-янги жигаристон», «Кўктерак», «Чинобод», «Жигаристон» маҳаллалари аҳолисининг қишолди ташвишлари ариди.

Айни жараёнларда эҳтиёжман оилаларга ижтимоий кўмак кўрсатиш ташаббуслари ҳам бир лаҳза бўлса-да, тўхтаб қолгани йўқ. Бу ҳақда сўз борганда, 293 та оиланинг ҳар бирига кўнгилли ҳомий, ташаббускорлар бириктириш орқали ўртача 120-150 минг сўмдан пул маблағлари ажратилиб, жами 39,5 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

226 та хонадонда ишга жойлашиш билан боғлиқ муаммолар аниқланган бўлса, бу оилалар аъзоларининг 76 нафарига ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштириш ҳамда бўш иш ўринлари учун йўлланмалар берилди.

Шунингдек, вилоятнинг олис ва бориши қийин бўлган 77 та маҳалласига 232,6 тонна суюлтирилган газ ва 15 907 тонна кўмир маҳсулотлари етказиб берилди.

## САЙЁР ҚАБУЛЛАР МУАММОГА ЕЧИМ ТОПАПТИ

Ўрганишлар давомида 22 та шаҳар ва туманлардаги 94 та маҳаллада сектор раҳбарлари билан биргаликда сайёр қабуллар ўтказилиб, 7 590 нафар фуқаронинг (528 та мурожаат) иштироки таъминланди. Мурожаатларнинг 464 таси жойида ҳал этилган бўлса, 64 таси ечими мuddат талаб қилгани учун алоҳида назоратга олинди. Жумладан, 98 та муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, 124 нафар эҳтиёжман оила фарзандларига қишки кийим-кечаклар, 242 нафар фуқаронинг коммунал соҳа бўйича (электр сим ёғочларини алмаштириш, ички йўлларни таъмирлаш, суюлтирилган газ билан таъминлаш, газ босимининг пасайиб кетиши) мурожаатлари ҳал этиб берилди.

Мисол учун, **Ангрен шаҳридаги «Жигаристон»** маҳалласида ташкил этилган оммавий сайёр қабулда 45 нафар фуқаро билан мулоқот қилинди. Юзма-юз мулоқотлар асосида суюлтирилган газ билан боғлиқ муаммоси бўлган Х.Бегалиева, Х.Абдуқосимов, Ш.Комилова, М.Ўроловларнинг масаласи шу ернинг ўзида ечим топди. Шунингдек, 3-сонли мактабга 5 тонна, олтита хонадонга 18 тонна кўмир ёқилғиси етказиб берилди, 25 нафар фуқаро табиий кўриқдан ўтказилди.

«Чинниобод» маҳалласидаги мулоқотлар асосида О.Маҳмудовнинг хонадонига газ ҳисоблагич ўрнатилди.

Қиш мавсуми олдида ёқилғи маҳсулотларига эҳтиёжи борлигини айтган Р.Чўлпонов, Д.Боймуродов, З.Раимжонов, Г.Маҳамовларнинг хонадонига 3 тоннадан кўмир маҳсулоти етказиб берилди. Қолаверса, 15 нафар фуқаро табиий кўриқдан ўтказилиб, Г.Калдарова, А.Холовларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари берилди ва ордер асосида шаҳар касалхонасига етказилди. Уч нафар ишсиз фуқаро эса «Ўзбек-кўмир» АЖ ва «Stilkompany» МЧЖга ишга жойлаштирилди.

**Янгийўл шаҳридаги «Лаззат»** маҳалласида ўтказилган сайёр қабулда 15 та мурожаат келиб тушган бўлса, коммунал соҳалар билан боғлиқ 6 та масала жойида бартараф этилди, 3 та муҳтож оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, 90 нафар эҳтиёжман оила фарзандларига қишки кийим-кечаклар олиб берилди.

**Бекобод туманидаги «Ёшлик-2»** ва «Бунёдкор» маҳаллаларида ташкил этилган сайёр қабулларда ҳудуддаги «Дехқонобод», «Қорақўйли», «Пахтакор», «Қолғонсир», «Бирдамлик», «Саврак» маҳаллаларидан фаоллар қатнашиб, мавжуд муаммолар муҳокама қилинди. Сайёр қабул давомида, асосан, ички кўчаларни шағаллаштириш, ичимлик сув, моддий ёрдам масалаларида мурожаатлар келиб тушди. Олиб борилган амалий чора-тадбирлар натижасида мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилишига эришилди, қолган мурожаатлар юзасидан мутасадди ташкилот раҳбарларига бажариш учун мuddат белгиланди.

**Умуман олганда, вазирлик масъулларининг аҳоли вакиллари билан суҳбатлари жараёнида ечимини кутаётган масалалар нафақат ўрганиляпти, балки аксарият муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Мuddат ва маблағ талаб қиладиганлари масъуллар назоратига оlinиб, тегишли топшириқлар берилляпти. Маҳаллаларда бундай сaъй-ҳаракатларнинг кенг қулоч ёзгани замирида инсон қадрини улуғлаш, уларнинг фаровон яшашини таъминлаш, одамлар розилигига эришиш каби эзгу мақсадлар мужассам.**

С.ИСМАТОВ тайёрлади.

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Хаётнинг не-не сир-синоатларию кутилган-кутилмаган қийинчиликларига дош бериб, ёруғ кунларга ишончларини сусайтирмай яшаган бундай инсонларнинг ибратли умр йўли нафақат уларнинг ўғил-қизларига, балки бугун катта ҳаёт остонасига қадам кўяётган барча ёшларга сабоқ бўлишга арзийди.

# Тарих, бугун ва келажак учрашган манзил

**Кўнгил кўнгилдан сув ичади, дейишади. УЛУҒЛАРИМИЗ, ЎРТА АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИНИ ЖАМ ҚИЛГАН ДИЛБАР ДАВРА БУГУНГИ ТИНЧ ВА ФАРОВОН КУНЛАР, ОБОД МАСКАНЛАР, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКДА БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ УМРГУЗАРОНЛИК ҚИЛАЁТГАН ҲАМЮРЛАРИМИЗНИНГ ШУКРОНАЛИКА ЙЎҒРИЛГАН СУХБАТЛАРИГА БОЙ БЎЛДИ**

**Уч авлод учрашуви. Тарих, бугун ва келажакни бирлаштира олган анжуман кексаю ёшнинг хотира зарварақларида унутилмас кун бўлиши шубҳасиз. Сабаби — жонли тарих билан сўзлашиш, уларни яқиндан таниш, биргаликда ҳамфикр бўлиш ёшлар учун катта тажриба ва ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади. Айти мақсадда бугун жойларда «Уч авлод учрашуви» маънавий-маърифий тадбирлари ўтказилмоқда.**



## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Кўкдала туманидаги «Чорвадор» маҳалласида «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» фестивали доирасида ташкил этилган «Уч авлод учрашуви»да Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фахрий устоз ва мураббийлар, мамлакат тараққиётига, бугунги тинч, осуда, доруломон кунларга тамал тоши қўйилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ёши улуғлар, ёшлар бир дастурхон атрофида учрашди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга эътибор берсангиз, янгиланишлар шиддати ва тараққиёт одимидан вақт тезлашгандек туюлади, — дейди Кўкдала туманида яшовчи 92 ёшли Норқора бобо Эрназаров. — Шу қисқа даврда йиллаб ечимини кутиб турган муаммолар барҳам топаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Катта марралар олиниб, одамларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган дастурлар амалга оширилаётганини кузат-япмиз. Ижтимоий-иқтисодий, қурилиш, илм-фан, хизмат кўрсатиш, маънавий-маърифий ва бошқа барча соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда. Эндиликда бугунги ҳаёт билан ўтмишдаги шароитларни таққослаб, эришилаётган ютуқларимиз ортида турган фидокорона меҳнатлар қадрига етишимиз зарур. Бу жараёнда биз, кекса авлод вакиллари ёшларга ибрат бўлиб, тинч, обод Ватанимизга муносиб ўғил-қизларни тарбиялашимиз керак. Мазкур учрашув ҳам ана шундай улуғвор мақсадларга йўналтирилгани билан барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ёши улуғ отахон ва онахонлар билан суҳбатлашар экансиз, улар тилидан тушмаётган шукроналик, эл-юртга тинчлик-омонлик, элга тўкин-сочинлик тилаб қилинаётган дуолардан кўнгилда ёруғ туйғулар уйғонади. Ҳаётнинг не-не сир-синоатларию кутилган-кутилмаган

қийинчиликларига дош бериб, ёруғ кунларга ишончларини сусайтирмай яшаган бундай инсонларнинг ибратли умр йўли нафақат уларнинг ўғил-қизларига, балки бугун катта ҳаёт остонасига қадам кўяётган барча ёшларга сабоқ бўлишга арзийди.

— Мустақиллик йилларида биргина Қашқадарё вилоятдан 8 нафар замондошимиз Ўзбекистон Қаҳрамони дея эътироф этилди, — дейди вилоят ҳокими маслаҳатчиси Январ Иноятов. — Бу каби меҳнатсевар инсонларнинг қаҳрамонлик фазилатлари, халқпарварлик хислатларини ёш авлодга ўргатиш ва уларга муносиб авлод бўлишга чорлаш бизнинг ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиздир. Бугунги тадбирда ёш авлод вакиллари ҳам қатнашди. Тинч ва осуда кунларнинг қадрини теран англаш, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшган азиз инсонларнинг ҳаёт йўлини ўрганиш ва уларга эргashiш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган тавсия ва кўрсатмалар асосида ёши улуғ инсонларга ҳурмат, эҳтиром кўрсатилиши яна бир янги босқичда намоён бўлди.

Фестиваль доирасида ҳудудда «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори ижроси доирасида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари маҳаллий аҳолига байрам баҳонасида рамзий маънода топширилди. Айтиш керакки, 4 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилган маҳалла маҳалла улкан қурилиш майдонига айланган. 22 километр ички йўлга шағал тўкилмоқда. 72 нафар эҳтиёжманд оила уйларининг томи замонавий кўринишда ёпиб берилмоқда, электр энергияси таъминотини

яхшилаш мақсадида кўчаларга 50 дан ортиқ симёғочлар ўрнатиляпти.

— Маҳалламизда бўлган ишлардан жуда хурсанд бўлдик. Кўчаларимиз қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётарди, — дейди Саида момо Тўраева. — Мана, қарангки, қисқа муддатда маҳалламизда шунча ишлар бўлиб кетди. Йўлларимиз текисланиб, шағал ётқизилди, электр таъминоти яхшиланди. Кам таъминланган оилалар уйлари товлари замонавий қилиб ёпиб берилди. Умуман олганда одамларимизнинг кайфияти ҳам кўтарилди. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан, деб биламан.

Шу куни 12 та эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилиб, тўй болаларга эсдалик совғалари топширилди. Меҳмонлар ҳунармандчилик ва деҳқончилик маҳсулотлари ҳамда кўғирчоқ театри, иқтидорли спортчиларнинг кўргазмали чиқишларидан баҳраманд бўлишди. Вилоят мусиқали драма театрининг таникли санъаткорларининг концерт дастури барчага хуш кайфият улашди. Қишлоқ аҳолиси учун дошқозонларда ош дамланиб, халққа тарқатилди.

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.

Шундай тадбирлардан яна бири Бувайда туманидаги «Империал» тантаналар саройида ташкил этилди. Унда Фарғона вилояти ҳокими Х.Бозоров, вилоят прокурори Б.Исмоилов, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Б.Холиқов, «Нуронийлар жамғармаси» Фарғона вилояти раиси З.Раҳманов иштирок этди.

«Уч авлод учрашуви»га «Янгиқўрғон» маҳалласи ҳудудида истиқомат қилаётган фаоллар, нуронийлар ва ёшлар таклиф этилди.

— Тадбирга фақат янгиқўрғонликлар жамланганида ўзига

хос маъно-мазмун бор, — дейди вилоят ҳокими Х.Бозоров. — Фақат шаҳар-туманлар марказларидагина эмас, энди қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам бундай тадбирлар доимий ташкил этилиб, фидойи отахон, онахонларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш орқали аجدодларимиздан қолган муқаддас оилавий анъана ва қадриятларни асраш устувор вазирамизга айланади. Айтиш керакки, бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз бугун айнан «Янгиқўрғон» маҳалласидан бошланади.

Тадбирда ўзларининг узоқ йиллик меҳнат ва ҳаёт тажрибаси билан маҳалла ҳаётида фаоллик кўрсатиб келаятган бир гуруҳ нуроний меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.

Тўрақўрғон тумани марказидаги тантаналар мажмуасида ташкил этилган «Уч авлод учрашуви»га кексалик гаштини сураётган нуронийлар, айти пайтда намунали фаолият кўрсатётган ўрта ва навқирон ёшли соҳа вакиллари таклиф этилди.

Тадбирда сўз олган фахрийлар Жумагул Раҳимова, Аҳмаджон Худойназаров ёшли йилларидаги суронли кунлар, қийин шарт-шароитлар, бугунги доруломон кунларнинг қадр-қиммати ҳақида мулоҳаза юритиб, барчани тинч ва фаровон Ўзбекистонимизни қадрлашга чақирди. Ёшлар номидан сўзга чиққан «Мард ўғлон» Давлат мукофоти совриндори Сардоржон Салойдинов ҳамда «Мирзо Улуғбек ворислари» республика танлови ғолиби Шаҳзода Ғулумжонова давлатимиз яратган имкониятларга жавобан аждодларга муносиб авлод бўлишга ваъда беришди. Учрашув якунида нуронийларга эсдалик совғалари улашилди.

— Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими билан

ҳамкорликда ташкил этилган ушбу учрашув ер юзидаги кўплаб давлатларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий таназзуллар юз бераётган бир пайтда Ўзбекистонимизда тинчлик ва осойишталик ҳукумронлигига шукроналик тимсолидир, — дейди туман ҳокими ўринбосари Феруза Солиева. — Доруломон ҳаётимизнинг қадрига етишга чорлаш, она ватанимиз тараққиёти учун барчамиз масъуллигимизни ифодалаш мақсади кўзланган эзгу ҳаракатларимиз давом этади. Тумanning барча маҳаллаларида бундай учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган.

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.

Томди туманидаги Шиели овул фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Уч авлод учрашуви» ҳам йиғилганлар кўнглига хушнудлик бағишлади.

Кўнгил кўнгилдан сув ичади, дейишади. Улуғларимиз, ўрта авлод вакиллари ҳамда эртаимиз эгаларини жам қилган дилбар давра бугунги тинч ва фаровон кунлар, обод масканлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликда бугунидан рози бўлиб умргузаронлик қилаётган ҳамюрларимизнинг шукроналика йўғрилган суҳбатларига бой бўлди.

Тадбир давомида мазкур ҳудудда яшовчи 1949 йилда туғилган, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон Қаҳрамони Серикбай Сағатов ҳолидан хабар олинди. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остида ижтимоий ҳимояга муҳтож нуронийларга «Нуроний» жамғармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Бу каби учрашувлар юртимизнинг барча ҳудудларида, олис овул ва қишлоқларда ҳам ташкил этилмоқда.

Ҳайрулла АБДУРАҲМОНОВ,  
Шоҳиста БОЗОРОВА.

КЎЗГУ

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойида аҳоли муаммоларини «маҳаллабай» ўрганиш ва уларни жойида ҳал этиш мақсадида 56 та маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди. Ҳозирда уларнинг сони республика бўйича 9 370 тага етказилди.

# Ҳудуд катталиги, хонадон сони кўплиги раисга муаммо туғдирадими?

**АЙРИМ ҲУДУДЛАРДА МАҲАЛЛАНИНГ У ЧЕТИДАН БУ ЧЕТИГАЧА БЎЛГАН МАСОФА 100 КИЛОМЕТРДАН ОРТИҚРОҚНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. БУ ҲОЛАТДА БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ САНАЛГАН «МАҲАЛЛАБАЙ», «ХОНАДОНБАЙ», «ОИЛАБАЙ» ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ТУҒИЛИШИ ТАБИИЙ**

Бугун маҳалланинг инсонлар ҳаёти, ҳудудлар ривожланиши, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишдаги роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бунда барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилишига эътибор қаратиляпти. Шунга монанд уларнинг ваколати, масъулияти оширилмоқда, моддий таъминоти яхшиланаётди. Бу жараёнда янги маҳаллалар ташкил этиш, аҳоли сони кўп бўлган йиғинларни бўлиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.



## МАҲАЛЛАЛАРНИ КИМ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ?

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойида аҳоли муаммоларини «маҳаллабай» ўрганиш ва уларни жойида ҳал этиш мақсадида 56 та маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди. Ҳозирда уларнинг сони республика бўйича 9 370 тага етказилди. Қонунчиликка асосан, янги маҳаллалар аҳоли мавзелари, шунингдек, мавжуд маҳаллаларда оилалар сонининг ортиши ҳисобида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарори асосида ташкил этилади.

Шу билан бирга, бугунги кунда мавжуд маҳаллаларнинг 148 та-сида (1,5 фоиз) 8 минг ва ундан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қолаверса, хонадонлар сони 1 500 дан ортиқ бўлган 398 та, оилалар сони 1 500 дан ортиқ бўлган 1 081 та маҳалла мавжуд. Бу эса ушбу ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга салбий таъсир кўрсатади.

Зеро, атиги беш нафар маҳалла ходимининг шунча аҳоли вакиллари бирдек қамраб олиши, барчасининг муаммоси билан шуғулланиши мушкул. Қолаверса, айрим ҳудудларда маҳалланинг у

четидан бу четиغاча бўлган масофа 100 километрдан ортиқроқни ташкил этади. Бу ҳолатда бугунги кун талаби саналган «маҳаллабай», «хонадонбай», «оилабай» ишларни ташкил этишда қийинчиликлар туғилиши табиий. Шу боис бундай маҳаллаларни аҳоли розилиги асосида бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ НЕГА ЧЎЗИЛЯПТИ?

Айтиш керакки, белгиланган тартибга асосан, маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва номини ўзгартириш жараёнлари бўйича Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигига ахборот киритиб борилади.

Бу ҳақда сўз борганда, **Сирдарё вилоятида** жорий йилнинг декабрь ҳамда 2023 йилнинг январь ойларида 19 та маҳалла ташкил этилиши режалаштирилган, **Сурхондарё вилояти** Термиз туманида «Келажак», Шўрчи туманида «Каттадепа» ва «Тараққиёт» маҳаллаларини ташкил этиш бўйича маҳаллий Кенгашлар тегишли қарорларни қабул қилган ҳақида ахборот киритилган.

Бироқ барча ҳудудларда ҳам

бу жараён белгиланган тартиб асосида олиб борилмаяпти. Мисол учун, **Андижон вилояти** Асака туманида «Юқори кужган», «Мустаҳкам», «Навбахор», **Қашқадарё вилояти** Деҳқонобод туманида «Ватанпарвар», «Гулистон», «Дархон», «Зафаробод», «Янги Ўзбекистон» маҳаллаларини ташкил этиш бўйича ташкилий масалаларнинг барчаси ҳал этилиб, сайловлар ўтказилгандан кейин ахборот берилган.

Қолаверса, 2021 йилда **Андижон вилояти Олтинкўл туманида** «Мустақиллик», «Интизом» «Шайхислом», Самарқанд вилояти **Ургут туманида** «Огаҳий», Хоразм вилояти **Хива шаҳрида** «Хунармандлар», Раҳматжон Қурбонов номли маҳаллаларни ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари қабул қилинган бўлишига қарамай, **Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятида** ушбу қарорлар ижроси шу кунга қадар таъминланмаган.

Қизиқ, юқоридаги сустрасликлар маҳаллалар ишини янада қийинлаштириши, одамларни қийнаётган муаммоларнинг ечими чўзилиши, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар оқшашига олиб келишини ҳудуд масъуллари билишмайдими? Тасаввур қилинг, 8 мингдан

зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуддаги аҳолининг ҳар бирини қайсидир масала қийнайди, ҳар бирининг ўз ташвиши, муаммоси бор. Уларни беш нафар ходим қачон ўрганиб, қачон ечимини топиб беради?

## НЕГА МАҲАЛЛАЛАР БИР ХИЛ НОМГА ЭГА?

Маҳаллаларни номлашда бир қатор муаммолар мавжуд. Қонунчиликка асосан, **бир туман, шаҳар доирасида бир неча маҳаллага айна бир номни беришга йўл** қўйилмаслиги белгиланган бўлса-да, шу кунга қадар **Андижон ва Наманган** вилоятларида 12 та ном билан 24 та маҳалла фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, **Жалақудудда** «Гулистон», «Навойий», «Иттифоқ», **Шаҳрихонда** «Найман», «Бўстон», «Кўрғонча»,

**Кўрғонтепада** Бобур, «Бирлик», «Юксалиш», «Мустақиллик», **Олтинкўлда** «Иттифоқ», **Чустда** «Бирлик» номлари билан 2 тадан маҳалла мавжуд.

Шу ўринда айтиш керакки, «**Географик объектларнинг номлари тўғрисида**» ги қонунда киритилган ўзгартиришларга кўра, эндиликда маҳаллага ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш жараёнида маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади. Қолаверса, йиғинларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқароларнинг ташаббуслари, шунингдек, маҳалла, корхона, муассаса, ташкилотларнинг илтимосномаларига асосан, туман-шаҳар ҳокимлари киритган тақлифга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар томонидан амалга оширилади.

**Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллаларни хатловдан ўтказиб, аҳоли сони кўп бўлган ҳудудларни бўлиш, янги ташкил этилаётган мавзеларда маҳаллалар ташкил этиш, йиғинларнинг номларини қайта кўриб чиқишга эҳтиёж бор. Бу орқали, биринчидан, фуқаролар йиғинларининг иш фаолияти осонлашади, самарадорлик ортади. Иккинчидан, ҳудуд аҳлини қийнаётган масалалар тўлиқ қамраб олинади ва тезроқ ҳал этиш чоралари кўрилади. Учунчидан, маҳаллаларга бир хил номларнинг берилиши ва бу борадаги тушунмовчиликларнинг олди олинади.**

Санжар ИСМАТОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

## Оромгоҳ йўлланмаси учун компенсация тўланади

«Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Президент қарори қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, Болалар соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан қасаба уюшмалари аъзоларининг фарзандлари дам олиши ва уларни соғломлаштириш харажатларининг бир қисmini қоплаш мақсадида ҳар бир йўлланма учун БҲМнинг 2 баравари (600 минг сўм), бироқ йўлланма нархининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда оромгоҳларга компенсация тўланади.

2023 йил 1 январдан: — маҳаллий бюджетлар даро-

мадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисмининг 10 фоизи ҳар чоракда Жамғармага йўналтирилади; — давлат органлари ва ташкилотлари ўз ходимларининг фарзандлари учун сотиб олинган оромгоҳлар йўлланмалари нархининг 50 фоизигача, аммо ҳар бир йўлланма учун БҲМнинг 1 бараваридан (300 минг сўмдан) ошмаган қисми иш берувчилар томонидан компенсация қилиб берилиши мумкин.

## Пенсионерлар кредит олса бўладими?

**Пенсионерлар учун фақатгина Халқ банкида «Пенсия овердрафт» кредити мавжуд.**

Ушбу кредит 1 йил муддатга 10 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 16 фоиз ставкада берилади. Кредитни банк картангизга ўтказиладиган пенсия миқдорининг 50 фоизидан ошмаган, аммо кўпи билан БҲМнинг 4 баробаридан (ҳозирда 1 млн. 200 минг сўм) ошмаган миқдорда олишингиз мумкин. Имтиёзли даврда сиз кредитнинг фақат фоизини тўлайсиз.

Буни олиш учун Халқ банкига фақат паспортни олиб борасиз.

РАКУРС

Бугунги кунда маҳалла раисларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва обрўсини ошириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга ошириляётганига қарамай, сайловлар ўтказилганидан ҳеч қанча муддат ўтмасдан йиғин раислари ўртасида кадрлар кўнимсизлиги кузатилмоқда.

# Маҳалла ташаббуси билан аҳоли бандлиги таъминланяпти

**БУГУН МАҲАЛЛАНИНГ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ, ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ОДАМЛАРНИНГ ЎЗ МАҲАЛЛАСИДАН ЧИҚМАГАН ҲОЛДА ИШЛАШИ, БИЗНЕСИНИ ЮРИТИШИ, РЎЗҒОРИНИ БУТЛАШИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА**

Ўтган бир йил ичида маҳаллалар ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори бирлашиб, маҳаллада неки муаммо бўлса, жойида ҳал этмоқда, юрт тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ислоҳотлар «драйвери» бўлмоқда. Хўш, маҳалладаги ўзига хос бошқарув тизими — «бешлик» фаолияти бугун ўзини қай даражада оқламоқда? Айтиш керакки, таҳлиллар ўтган фурсат ичида «бешлик» ҳамкорлиги натижасида маҳаллаларда ижтимоий, иқтисодий, маънавий муҳит ижобий томонга ўзгараётганини кўрсатмоқда. Бунда, албатта, ҳар бир лавозим эгаси қайсидир йўналишга масъул экани, маҳалладаги ҳеч бир аҳоли қатлами эътибордан четда қолмаслиги, узилмас халқанинг марказида тажрибали, фидойи ва салоҳиятли маҳалла раислари уларни бирлаштириб тургани муҳим аҳамият касб этмоқда.



**ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ — АҲОЛИ КУМАКЧИСИ**

Маҳаллаларда мазкур лавозим ташкил этилганига қарий бир йил бўляпти. Ўтган вақт мобайнида унинг ҳуқуқий асоси яратилди, лавозим малакали кадрлар билан тўлдирилди, фаолият тизимли йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида **6,9 миллион хонадон** хатловдан ўтказилиб, улар ижтимоий-иқтисодий аҳволига кўра, **4 тоифага** ажратиб олинди. Бунда **756 мингта** хонадоннинг даромади камлиги ва меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари борлиги (**11 фоиз**), **3 минг 220 мингта** оила доимий даромадга эга, лекин қўшимча даромад топиш истагида экани (**47 фоиз**), **430 минг** хонадон ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги (**6 фоиз**) ҳамда **2 минг 458 мингта** оиланинг яшаш шароити яхшилиги (**36 фоиз**) аниқланди.

Айтиш керакки, хатловда аҳолининг касб-ҳунарга ўқиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, кредит олиш ва бошқа истаклари ўрганиб чиқилиб, бу масалаларни ҳал этиш учун 2022 йилда жами **12,5 триллион сўм** миқдорида молиявий манбалар шакллантирилган.

Ҳоким ёрдамчилари ташаббуси билан **1 миллион 880 минг** нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Жумладан, уларнинг 735 минг нафари доимий ишга жойлаштирилди, 857 минг нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинди, 74 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркорликка ва 148 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 360 минг нафар юртдошимизга ижара асосида ер ажратилди. Шу даврда ҳоким ёрдам-

чилари тавсияномалари асосида 306 мингта лойиҳага 7,2 триллион сўм имтиёзли кредит ҳамда 41 мингдан ортиқ ишсизларга 144 миллиард сўм субсидия ажратилди. 195 минг киши касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди. Ҳоким ёрдамчилари томонидан шакллантирилган 44 мингдан ортиқ «маҳаллабай» микролойиҳаларнинг 29 мингтаси ишга туширилиб, 153 мингта яқин иш ўринлари яратилди.

Эътиборлиси, ўтган даврда фаолиятини самарали ташкил этган 78 нафар ҳоким ёрдамчиси юқори лавозимларга, шу жумладан, 2 нафари туман ҳокими ва 25 нафари ҳоким ўринбосарлигига тайинланди.

**ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ — ЁШЛАР ЭГАСИ**

Бугунги кунда «Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти» шиори остида иш юритувчи маҳалладаги ёшлар етакчиси йигит-қизларнинг ҳақиқий маслаҳатгўйига айланди. Улар томонидан 14-30 ёшдаги **9,1 миллион** нафар ёшлар ҳақидаги маълумотлар базаси шакллантирилди.

Ёшлар етакчилари ёшлар балансини мунтазам шакллантириб бориш билан бирга, уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, муаммоларини ўрганиш, янги истеъдодларни кашф қилишда фаоллик кўрсатаётир. Қолаверса, етакчилар ҳаётда ўз ўрнини тополмаётган йигит-қизларни «Ёшлар дафтари»га киритиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишида бош-қош бўлмоқда. Жумладан, дафтарга киритилган **225 060 нафар** ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган ёшлардан **201 239 нафари** (89,4 фоиз) ижтимоий-иқтисодий

қўллаб-қувватланди. Бир сўз билан айтганда, **маҳалладаги ёшлар етакчиси — маҳалладаги ёшлар эгасига айланди.**

**АЁЛ ДАРДИНИ АЁЛ КУПРОҚ ТУШУНАДИ**

Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари бугун маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамфикр, ҳаммаслак фаолият олиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг тўққиз ойида фаоллар кўмаги билан **81 250 нафар** хотин-қиз тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ушбу тадбиркорлик субъектларида **166 205 та** иш ўрни яратилган.

Халқимиз азалдан рўзғорнинг ободлигини ҳалол меҳнатда, деб билган. Ҳануз шу фикрда собит яшамоқда. Илгари оилада бир кишининг ишлаши қозон қайнашига, турмуш кечиришига кифоя қилган бўлса, бугун уй бекалари ҳам оилабоши билан ёнма-ён ишлаб, рўзғор кам-кўстини бутляпти. Аини мақсадни дилига туккан **153 767 нафар** хотин-қизга шу даврга қадар **3 миллиард 85 миллион сўм** миқдорида кредит ажратилди.

Қолаверса, хотин-қизлар муаммоларини «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Бу ҳақда сўз борганда, ўтган муддат ичида «Аёллар дафтари»га киритилган **644 849 нафар** хотин-қизлардан **598 794 нафарига** (92,9 фоиз) ёрдам кўрсатилди. Бунда уларга имтиёзли кредитлар ажратилди, мақсадли субсидиялар берилди, уй-жойлари яхшиланди, фарзандларининг контракт суммалари тўлаб берилди, касб-ҳунар ўрганишларига шароит яратилди.

**МАҲАЛЛАНИНГ ТИНЧЛИК ПОСБОНИ**

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини тўлақонли жорий этиш, аҳоли осойишталигини таъминлаш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда профилактика инспекторлари муҳим ўрин тутаяди. Зеро, аҳоли ўзининг хавфсизлигини таъминлашни сўраб биринчи навбатда уларга мурожаат қилади.

Сарҳисоб даврида улар томонидан **7 миллионга яқин** хонадон ўрганиб чиқилиб, профилактик ҳисобда турган **222 908 нафар** шахс билан яқка тартибдаги профилактик ишлар олиб борилди. Натижада мазкур тоифадаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар кескин камайишига эришилди. Маҳалла ҳудудида содир этилган жиноятлар аҳоли орасида **45 899 маротаба** муҳокама қилиниб, масъул ташкилотларнинг фаолиятига баҳо берилди.

Қолаверса, жиноятчиликни жиловланди аҳолининг кам таъминланган, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламлари билан ишлашга қаратилган «ижтимоий профилактика» тизими йўлга қўйилди. Амалга оширилган ишлар натижасида мавжуд **9 370 та** маҳалланинг **4 558 тасида** (48,6 фоиз) жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Шу билан бирга, **1 703 таси-**

да жиноятлар сони камайди ёки барқарор сақланди.

**«МАҲАЛЛА — ХИЗМАТЛАР ВА СЕРВИС МАРКАЗИ»**

Айни тамойил асосида ҳар бир маҳаллада йиғин раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, шу-нингдек, кўчабоши ва уйбошилардан иборат таркибда **ишчи гуруҳлар** тузилиб, аҳоли билан хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича мулоқотлар ўтказилди. Бунда **7 785 та** маҳаллада **71 416 та** таклиф билдирилиб, шу асосда **20 турдаги** хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича «**йўл харитаси**» ишлаб чиқилди.

Таклифларни ўрганиб чиқиш натижасида **49 883 нафар** янги лойиҳа ташаббускорлари аниқланиб, **51 748 та** хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шу орқали маҳаллаларда **75 732 та** янги иш ўринлари яратилиб, **60 890 нафар** фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бунда алоҳида эътибор аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилиб, бандлиги таъминланганларнинг **4 525 нафарини** «Темир дафтар»да, **8 126 нафарини** «Аёллар дафтари»да, **8 848 нафарини** «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турганлар ташкил этди.

Бир сўз билан айтганда, бугун маҳалланинг аҳолини иш билан таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари одамларнинг ўз маҳалласидан чиқмаган ҳолда ишлаши, бизнесини юритиши, рўзғорини бутлашига ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида аҳоли хавфсизлиги таъминланяпти. Энг муҳими, фуқаролар бугун маҳаллага чин маънода суянч ва таянч бўладиган тузилма сифатида қарамоқда.

## ЖАРАЁН

Платформада Жамғарма фаолияти шаффофлиги таъминланмоқда. Яъни Жамғарма маблағларининг харажатлари, шу жумладан, маблағ олувчилар ва хизматлардан фойдаланганлар тўғрисидаги маълумотлар, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси бўйича маълумотлар очиқ берилган.

## «Нуроний» ягона электрон платформаси: барча маълумотлар бир жойда жамланган

Ўтган даврда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Фахрий мураббий» ордени ва «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони таъсис этилди.



Кексалар учун 152 та туман ва шаҳарда «Нуронийлар маскани» мажмуалари ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчиликлари кенгашлари, маҳаллаларда «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ташкил этилди, «Кексалар ҳафталиги» ва «Кексалар учун туризм ойлиги»ни ўтказиш анъанага айланди.

Шу билан бирга, «Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Нуроний» ягона электрон платформасини ишлаб чиқиш ҳамда «Нуроний» жамғармаси фаолиятига жорий этиш ҳам кўрсатилганди.

Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖнинг тижорат таклифлари ўрганиб чиқилди ҳамда корхона билан «Нуроний» жамғармаси ўртасида шартнома имзоланди. МЧЖ томонидан лойиҳа олди ўрганиш ва маълумотлар таҳлили амалга оширилиб, «Нуроний» электрон платформаси ва ягона электрон базаси ишлаб чиқилди ҳамда «www.e-nuroniyy.gov.uz» ҳаволаси орқали ишга туширилди.

**Платформага мамлакатда истиқомат қилаётган 3 миллиондан ортиқ нуронийлар тўғрисидаги барча маълумотлар киритилди.** Шунингдек, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотлар мунтазам равишда юқлаб борилмоқда. Шунингдек, ундан «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили асосида маҳаллаларда ҳаётий ва катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-эйтиборли нуро-

нийлар ва зиёлиларни ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга бириктириш рўйхати, Нуронийлар жамоатчиликлари кенгашлари, «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари аъзолари, «Буви-жонлар мактаби» кенгашлари бўйича зарур ахборотлар жой олган.

Қолаверса, Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўзгалар парвариди муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларни ҳар йили бир мартаба санаторийларда бепул соғломлаштириш, шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецеттларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб бериш ҳамда жаррохлик амалиётларининг харажатларини қоплаш, оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган кексаларга шифокорларнинг рецеттларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизигача бўлган асосида маҳаллаларда ҳаётий қилиш, кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги

муассасаларда (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари) шуғулланиш учун абонемент харажатларини қоплаш, давлат театрлари ва музейларига кексалар учун чипта нархлари тўлиқ қоплаб бериш, нуронийлар учун саёҳатларни графикда белгиланган тартибда ташкил этиш билан боғлиқ вазият ҳам платформада ахт этмоқда.

**Ахборот-сервис хизмати доирасида платформа орқали оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорларининг кўригига ёздирди, уларни уйга кўриқдан ўтишга қақриш, Жамғарма хизматларидан фойдаланиш учун буюртма бериш, рўйхатдан ўтиш ва буюртманинг ҳолатига аниқлик киритиш, профилактик, тиббий даволанишлар ва сайёҳлик сафарлари бўйича маълумотлар олиш, жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасалар, кинотеатрлар, театрлар, музейлар ва бошқа маданий тадбирлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш имконияти яратилган.**

**Уйда хизматларни кўрсатиш йўналишида** Жамғарма

томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасида дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари ва кресло-арава-чаларни уйга етказиб бериш, шифокорлар рецеттларига асосан ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг маблағлари ҳисобига дори воситаларини олиб келиш ҳамда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг шифокори кўригидан сўнг тиббий кўрик маълумотларини етказиш назарда тутилган.

Энг эътиборлиси, платформада Жамғарма фаолияти шаффофлиги таъминланмоқда. Яъни Жамғарма маблағларининг харажатлари, шу жумладан, маблағ олувчилар ва хизматлардан фойдаланганлар тўғрисидаги маълумотлар, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси бўйича маълумотлар очиқ берилган.

**Бахтиёр НОРОВ,**  
**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Кексалар саёҳати мароқли ўтди

Катта ҳаётий тажрибага эга, турмуш синовларида тобланган, ёши улғ инсонлар, кекса ва нуроний отахон-онахонларнинг пурмаъно ўғитлари, панд-насихатлари ёш авлод тарбиясида беқиёс аҳамиятга эга. Шу боис уларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш, нуронийларнинг ҳаёт йўлидан ибрат олиш эзгу қадрият сифатида улғуланади.

Эътиборлиси, сўнгги йилларда бу ишлар давлат даражасида янги босқичга кўтарилди, кекса авлод вакилларининг ҳаёт даражасини яхшилаш, саломатликларини асраш, мароқли ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги «Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни мазмун жиҳатидан бутунлай янги босқичга олиб чиқди.

Янгиер шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан тизимли йўлга қўйилди. Хусусан, «Кексалар учун туризм ойлиги» доирасида бир гуруҳ кекса авлод вакиллари

пойтахтимиз ва Тошкент вилоятига саёҳатга олиб борилди. Нуронийлар сафар давомида «Янги Ўзбекистон» боғи, «Зангиота» зиёратгоҳи, «Темурийлар тарихи» давлат музейи ҳамда «Адиблар хиёбони»да бўлишди.

— Саёҳатда кўрган-билганларимиз, музейлар ходимлари берган тушунчалар хотирамизда абадий сақланиб қолади, — дейди **истеъфодаги полковник, Нуронийлар кенгаши аъзоси Турсинхон ота Раҳмонов.** — Ушбу саёҳат давомида «Янги Ўзбекистон» боғида барпо этилган сокин ҳудуд ва фавворалар, спорт майдончалари, болалар уйингоҳи, 5 минг ўринли очиқ амфитеатр, «Истиклол мажмуаси» миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳис-туйғуларини ошириш билан бирга, Ўзбе-

кистон халқининг бой тарихини чуқурроқ ўзлаштиришига сабаб бўлди.

Шунингдек, «Темурийлар тарихи» музейига ташриф давомида Темурийлар сулоласи даврида Ўзбекистон тарихи, музей фондидаги 3 мингдан ортиқ экспонатлар, ўрта асрларга оид заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, мусиқа асбоблари, меҳнат анжомлари, Усмон Қуръони нусхаси, Амир Темурнинг Европа мамлакатлари монархлари билан бўлган ёзишмалари фахрийларда катта таассурот қолдирди.

**Юсуф САМАТОВ,**  
**Янгиер шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг кексалар бўйича маслаҳатчиси.**



ЖАРАЁН

Бувижонлар маҳаллалар аҳолисига миллий урф-одатлар, ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, тўйдан олдинги тиббий кўрикларнинг аҳамияти, тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуларида тушунтириш бермоқда.

# «Бувижонлар мактаби» тўғри насиҳат беради, ҳаётга тайёрлайди

**ҲАЁТ СИНОВЛАРИДАН МАТОНАТ БИЛАН ЎТГАН, МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ АҲВОЛДАН ХАБАРДОР ОНАХОНЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БУ ҲАРАКАТ ЁШЛАРГА ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШ, УЛАРНИ ОИЛА, МАҲАЛЛА, УМУМАН, ЖАМИЯТДАГИ ВАЗИЯТЛАРГА ТАЙЁРЛАШГА КЎМАКЛАШАДИ**

Оилалар билан ишлаш мураккаб, масъулиятли жараён. Хонадонлардаги мавжуд вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келган муаммоларга ечим топиш маҳалла фаоллари, кайвонийларидан билимдонлик, зийраклик, вазиятга қараб оқилона иш кўришни талаб этади. Республика «Бувижонлар мактаби» жамоатчилик кенгаши аъзолари бўлган катта ҳаёт тажрибасига эга нуруний онахонлар мазкур вазифаларни самарали уदдалаб келмоқда.



Бугунги кунда юртимиз бўйича ажралиш арафасида турган оилалар рўйхатга олинган. Ушбу оилалардаги эр-хотин муносабатларини тартибга солиш, улардаги осойишталикни таъминлашда кенг жамоатчилик, шунингдек, кўпни кўрган нуруний онахонларнинг тугган ўрни бекиёс. Нотинч оилалар билан ишлаш, тарбиявий аҳамиятга эга маънавий-маърифий йўналишдаги тарғибот тадбирларини тизимли ташкил этишда айнан шу мактаб фаолларининг хизматлари катта бўлмоқда.

Зеро, ҳаёт синовларидан матонат билан ўтган, маҳаллалардаги ижтимоий аҳволдан хабардор онахонларимизни бирлаштирувчи бу ҳаракат ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, уларни оила, маҳалла, умуман, жамиятдаги вазиятларга тайёрлашга кўмаклашади. Шу пайтгача мазкур мактаб фаоллари иштирокида сақлаб қолинган оилалар, тўғри йўлга киритилган тарбияси оғир ёшлар, ўтказилган тадбирларни санаб адоғига етиш қийин. Шунга қарамай, мактабимиз фаоллари

халқимиз манфаати йўлида меҳнат қилишда давом этмоқдалар.

**БУВИЖОНЛАР ТАБИАТГА ҲАМ МАСЪУЛ**

Кенгаш аъзолари мамлакатимизда она табиатни асраш билан боғлиқ ташаббусларга «лаббай», дея жавоб беришди. Бувижонлар иштирокида ёшларни табиатга меҳр билан улғайтириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги «Долзарб қирқ кунлик»да ҳам онахонларимиз фаол иштирок этаётди.

Масалан, Наманган вилояти Давлатобод тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 37-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига «Она табиатни асраймиз» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда туман «Бувижонлар мактаби» раҳбари М.Тўхтабоева ва «Тўқувчи» маҳалласи «Нурунийлар» кенгаши раиси К.Саидова иштирок этди. Болажонлар ўзларининг сеvimли қўшиқлари ва шеърлари, чиройли рақслари билан йиғилганларни

хушнуд этди. Меҳмонлари болажонларга ўзларининг ўғитлари, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг, болалар билан бирга муассаса ҳовлисида янги дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Болаларга ҳар бир ниҳол келажакда мева бериб одамларга фойда келтириши, турли жониворлар учун бошпана сифатида хизмат қилиши уқтирилди. Бесабаб дарахтларга озор бериш, уларни кесиш алол-оқибат экологияга ва одамларга катта зиён етказиши тушунтирилди. Айнан шу мавзудаги тадбирлар республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказиб келинмоқда. Улар доирасида минглаб янги ниҳоллар болажонлар кўли билан экиляпти. Уйлаймизки, табиатни асрашга бундай ёндашув келажакда юртимизнинг боғу роғларга айланишига хизмат қилади.

**СОҒЛОМ ТУРМУШ — АСОСИЙ ШАРТ**

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам бувижонларнинг асосий вазифалари-

дан. Масалан, яқинда Самарқанд туманида «Бувижонлар мактаби» раҳбари Ш.Негматова, «Гулобод» маҳалласи раиси С.Ғаниева, хотин-қизлар фаоли Г.Жумаева ҳамда шифокорлик пункти бош шифокори В.Сатторовалар иштирокида учрашув ўтказилди. Унда чекиш, ичкиликнинг инсон саломатлигига зарарли таъсири, гиёҳвандлик каби иллатлар тўғрисида ёшларга тушунтириш берилди. Юқоридаги каби иллатлар домига тушган инсонларнинг аянчли тақдиридан мисоллар кўрсатилди.

Бундан ташқари, бувижонлар маҳаллалар аҳолисига миллий урф-одатлар, ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, тўйдан олдинги тиббий кўрикларнинг аҳамияти, тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуларида тушунтириш бермоқда. Бу каби тадбирларнинг маҳаллий спорт мусобақалари билан якунланаётгани, спортнинг турли йўналишларида маҳалла чемпионларининг аниқланаётгани айни муддао бўляпти.

Масалан, Когон шаҳридаги тадбирда қатнашган бувижонлар шашка ва шахмат мусобақасида иштирок этди. Спорт соғлом ва бахтли ҳаётнинг асоси экани тўғрисида фикрлар билдирилди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган югуриш марафонининг Республика босқичида иштирок этиб, 1-ўринни эгаллаб келган 76 ёшли Р.Рамазон мисолида «саломатлик — туман бойлик» экани тўғрисида маъруза қилинди.

Умуман, «Бувижонлар мактаби» фаоллари ногирон, якка ёлғиз кексалар, ижтимоий оғир аҳволдаги хотин-қизлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш масалаларида кўмаклашиш ишларида алоҳида фаоллик кўрсатишади. Бувижонлар насиҳати билан сақлаб қолинган оилалар, тўғри йўлга қайтган йигит-қизлар бугун бахтли саодатли ҳаёт кечириммоқда.

**Хайринисо МИРЗАЖОНОВА, Маҳалла ва нурунийлани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Нуруний онахонлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Эҳтиёжманд аёлларга тикув машинаси берилди

Балиқчи туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган оилаларда яшаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш, айниқса, бандлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



Тумандаги 66 та маҳалла фуқаролар йиғинида 4 минг 100 нафар аёл «Аёллар дафтари»га киритилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг барчасига амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз 1 минг 319 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Бир гуруҳ аёлларга деҳқончилик қилиш учун ижара асосида 10 сотихдан ер ажратиб берилди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 419 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз касб-ҳунарга ўқи-

тилиб, уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредитлар ажратилди.

Айни кунда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Куни кеча туман ҳокими Жасурбек Абдураимов, сектор раҳбарлари иштирокида ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида субсидия ажратилган «Аёллар дафтари»да турувчи 39 нафар аёлга тикув машиналари топширилди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўл-

лаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, турмуш шароитини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Моҳичеҳра Ҳожиматова. — Туманимизда ҳам бу борадаги ишлар изчил ва тизимли равишда олиб борилмоқда. Натижада қўллаб-қувватлашнинг бандлиги таъминланмоқда, уларнинг доимий даромад манбаи шакллантирилмоқда.

## ЭҲТИРОМ

Вилоятимизда 51 нафар 100 ёшдан ошган кексалар бор. Айтиш мумкинки, улар ҳаётнинг кўплаб синовларидан ўтишган. Тирик тарих билимдонлари. Бундан ташқари, 13 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 644 нафар меҳнат фронти иштирокчиси бор. Ҳар байрам, ҳайитларда уларнинг ҳолидан хабар олинади.

# Мазмунли умри ибрат, ўғитлари насиҳатдир

**ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА НУРОНИЙЛАРНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН 316 ТА НОТИНЧ, АЖРАЛИШ ЁҚАСИДАГИ ОИЛА ЯРАШТИРИЛДИ. НАТИЖАДА 700 НАФАРГА ЯҚИН БОЛАНИНГ ЕТИМ БЎЛИБ ҚОЛИШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ**

Узоқ йиллар мобайнида юрт равнақи учун қилган меҳнатларининг муносиб тақдирланиши нуронийларимизнинг ғайратига ғайрат қўшади. Жорий йилда Самарқанд вилоятида 92 нафар кекса авлод вакили I, II, III даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар эътирофдан миннатдор. Халқ манфаати йўлида садоқат билан хизмат қилишда давом этмоқда. Айниқса, «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили асосида ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларда касб-ҳунар, меҳнат кўникмаларини шакллантиришда нуронийларнинг ўғитлари қўл келмоқда. 1 728 нафар нуроний 15 922 нафар тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюлмаган ва ишсиз ёшларнинг 15 210 нафарининг муаммоларини ижобий ҳал этишди. Амалга оширилган ижобий ишлар кўлами, вилоятда мазкур тадбирлар самарали йўлга қўйилгани боис «Бир нуроний ўн ёшга масъул» кўриктанловининг Республика босқичи айнан Самарқандда ўтказилди.



## 316 ТА ОИЛА ЯРАШТИРИЛДИ

Ажралиш ёқасидаги оилаларни яраштириш, ака-ука, қариндош-уруғлар орасидаги гиналарни бартараф қилишда ёши улуг инсонлар алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти. Йилнинг ўтган даврида уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 316 та нотинч, ажралиш ёқасидаги оила яраштирилди. Натижада 700 нафар яқин боланинг етим бўлиб қолишининг олди олинди.

Масалан, Самарқанд шаҳрида уч нафар фарзанднинг отаси ичкиликка берилгани, оқибатда оиласи билан умуман иши бўлмайд қолгани тўғрисида бир жувон мурожаат қилганди. Аёл ажралиш учун судга ариза ҳам берган. Турмуш ўртоғи уйдаги нарсаларни сотиб, пулига ароқ олишга ўтгани тўғрисида гапирган. Шу маҳалладаги нуронийлар кўмаги ва талаби билан йигит доволанишга ётқизилди. Мазкур оилага бириктирилган онахону отахонлар кунора улар ҳолидан хабар олиб туришди. Оқибатда йигит касалдан буткул фориг бўлди. Ҳозирда текстиль корхонасига ишга

жойлашиб, рўзгорини ҳалол меҳнат билан тебратмоқда.

Барча туман ва шаҳарларда ташкил этилган «Уч авлод учрашувлари» доирасида асосий эътибор жамиятимиздаги салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Мазкур тадбирларда 3 214 нафар нуроний ҳамда 6 911 нафар йигит-қизнинг иштироки таъминланди. Отахону онахонларимиз ёшларга ўзлари босиб ўтган ибратли ҳаёт йўллари тўғрисида гапириб беришди.

Албатта, фаолиятимиз фақатгина кексаларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш билан чекланмайди. Уларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, соғлиғини тиклаши, моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш ҳам ишимизнинг ажралмас қисмидир. Ўтган давр мобайнида 28 476 нафар нуроний Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Урганч шаҳарларидаги муқаддас қадимжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатга олиб борилди.

Қолаверса, 5 491 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, жумладан, 290 нафар якка-ёлғиз яшайдиган нуронийлар «Устоз», «Марварид»,

«Маржонсув», «Боғишамол», Ибн Сино номли ва бошқа санаторийларда соғломлаштирилди. 140 534 нафар кекса авлод вакили бепул тиббий кўриктан ўтказилиб, 1 123 нафарига ногиронлик аравачаси, 757 нафарига эшитиш мосламаси, 1 625 нафарига ҳасса (қўлтиқ таёқ), 839 нафарига кўзойнак, 2 721 нафарига бошқа реабилитация воситалари, 7 422 нафар кам таъминланган ва сурункали касалликлари бўлган кексаларга ҳомийлар томонидан зарур дори-дармонлар берилди.

Вилоят бўйича 165 нафар кекса жисмоний тарбия ва спорт мажмуаларида оммавий спорт турлари ва жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. Уларнинг абонемент харажатлари «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб берилди. Бундан ташқари, «Саховат» уйида истиқомат қилаётган нуронийларнинг 192 нафари бепул тиббий кўриктан ўтказилди.

Хайрия ҳашарлари орқали кексалар яшаш шароитини яхшилаб бориш ҳам бевосита вазифаларимиз сирасига кирди. Йил мобайнида 821 нафар

1-гурӯх ногиронлиги бўлган кексалар, 297 нафар ёлғиз кексалар хонадонларида хайрия ҳашарлари ташкил этилиб, 251 нафарининг хонадонлари таъмирлаб берилди. Қолаверса, 1 940 нафар якка-ёлғиз, ёлғиз яшайдиган кексаларга 4 000 нафар ёш волонтер бириктирилган. Кўнгилларимиз нуронийларнинг уй-жойларини тартибга келтириш, уй юмушларида қараш, соғлиқларидан мунтазам хабар олишдек вазифаларни бажаришади.

## 100 ДАН ОШМОҚ ОСОН ЭМАС

Вилоятимизда 51 нафар 100 ёшдан ошган кексалар бор. Айтиш мумкинки, улар ҳаётнинг кўплаб синовларидан ўтишган. Тирик тарих билимдонлари. Бундан ташқари, 13 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 644 нафар меҳнат фронти иштирокчиси бор. Ҳар байрам, ҳайитларда уларнинг ҳолидан хабар олинади. Керакли тиббий ёрдамлар учун имкониятлар яратилади. «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин» шиори остида ўтадиган тадбирларимиз айнан шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Кексалар учун туризм ойлари» доирасида 1-гурӯх ногиронлиги бўлган 415 нафар, ўзгалар парваришига муҳтож 1 146 нафар кексалар, вилоят бўйича жами 28 901 нафар нуроний саёҳатга юборилди. Концерт дастурлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Умуман, амалга оширилган ва оширилаётган ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Биз вилоятимизда нуронийларимиз гўзал ҳаёт кечиришлари, ёшларга ҳар томонлама ўрнатилган ҳаётнинг олдидан меҳнат қилишда давом этаверимиз.



**Шуҳрат НЕГМАТОВ,** Самарқанд вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Тўққиз ойда 170 та маҳалла биноси қурилди

«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» муносабати билан жорий йилнинг тўққиз ойида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими томонидан қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси А.Ахтамовнинг маълум қилишича, шу муддат давомида ўз хизмат биносига эга бўлмаган ва таъмирталаб бинода фаолият олиб бораётган 170 га яқин маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ишларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимликлар билан бирга, фонд

томонидан салмоқли маблағ йўналтирилган. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида йил бошидан буён турли байрам ва муҳим саналарда 1000 дан ортиқ оилага озик-овқат маҳсулотлари тарқатилган. 150 оиланинг яшаш шароитини яхшилаш, уй-жойини таъмирлаш ва беморларнинг соғлиғини

тиклаш мақсадида 250 миллион сўмга яқин бир марталик моддий ёрдам берилган. Ёнғиндан жабр кўрган оила-ларга фонд томонидан қурилиш моллари ва 57,5 миллион сўм миқдорига ёрдам пули ажратилди. Вилоятдаги «Темир дафтар» рўйхатида турган 20 900 нафарга яқин фуқаронинг муаммолари фонд қошидаги «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳи-

собида ижобий ҳал этилди. Самарқандда ўтказилган нуфузли халқаро тадбирлар олдида шаҳарнинг «Маърифат» ва «Азизон», Самарқанд туманининг «Ўзбеккенти», «Қўштамғали», «Жўйисой», «Қозиариқ» маҳаллаларидаги хонадонларни таъмирлаш мақсадида «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан 16 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

ЖАРАЁН

Ёшларнинг маданият, санъат, спорт, китобхонлик, АКТ йўналишлари бўйича иқтидорларини кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда илк марта беш босқичда маҳалла-сектор-туман-ҳудуд-республика даражасида «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг биринчи мавсуми ўтказилди.

# Маҳаллада ёшларнинг бўш вақти қандай ўтяти?

**БУГУН ЁШЛАР БИЛАН ЭНГ ҚУЙИ БЎҒИН — МАҲАЛЛАЛАР ДАРАЖАСИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУ ОРҚАЛИ ЧЕККА ҚИШЛОҚ-ОВУЛЛАРДАГИ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР КАШФ ЭТИЛЯПТИ, УЛАРНИНГ СПОРТ, САНЪАТ, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БОРАСИДАГИ ИҚТИДОРИ ЮЗАГА ЧИҚЯПТИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛЯПТИ**

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Улар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади.



Шу мақсадда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорликда жорий йил давомида маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган 110 560 та турли спорт мусобақалари ташкил этди. Ушбу спорт мусобақаларида жами 2 371 095 нафар иштирокчи қатнашди. Бунда 771 010 нафар вояга етмаганлар, 1 670 899 нафар ёшлар қамраб олинди. Спорт мусобақаларига аҳолининг алоҳида тоифаларига мансуб ёшлар, хусусан, кам таъминланган, нотинч, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда тарбияси оғир вояга етмаганларни жалб этишга эътибор қаратилди.

Шунингдек, маҳалладаги ёшларнинг маданият, санъат, спорт, китобхонлик, АКТ йўналишлари бўйича иқтидорларини кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг апрель-июнь ойлари давомида илк марта беш босқичда маҳалла-сектор-туман-ҳудуд-ре-

спублика даражасида «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг биринчи мавсуми ўтказилди.

Биринчи мавсуми доирасида бир қатор муҳим йўналишларини ўзида қамраб олган 14 дан ортиқ танлов ва мусобақаларда 6,2 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этиб, 540 нафари республика босқичида ғолиб бўлди. Президент раҳбарлигида 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан бўлиб ўтган учрашувда берилган топшириқлар ижроси доирасида бир йилда икки марта беш босқичда ўтказилиши белгиланган «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг навбатдаги мавсуми сентябрь ойи давомида ўтказилди.

Унда 9 370 та маҳаллада стол тенниси, шахмат, шашка, волейбол, енгил атлетика, стритбол, миллий кураш, стритворкут, киберспорт мусобақалари, «Ёш китобхон», «Қувноқлар ва зукколар», «Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги» танловлари, «Ёшлар рақс» фестивали ҳамда «Заковат» интеллектуал ўйини каби 14 та лойиҳа ва тадбир-

ларнинг маҳалла босқичида иштирок этиш учун жами 7,2 миллион нафар (шундан спорт мусобақаларида 3,2 миллион нафар) ёшлар рўйхатдан ўтган.

3-21 октябрь кунлари олимпиада доирасидаги лойиҳа ва тадбирларнинг иккинчи, яъни сектор (832 та сектор) босқичлари якунланди. Сектор босқичида 1 747 400 нафар (шундан 766 486 нафари қизлар) ёшлар қатнашди. Жумладан, спорт йўналишидаги мусобақаларда иштирокчиларнинг 1 096 290 нафари (шундан 475 460 нафари қизлар) маҳалла босқичи ғолибларидир. Маданият, IT, китобхонлик интеллектуал ўйинлар йўналишидаги лойиҳаларнинг сектор босқичида эса 651 110 нафар (шундан 291 26 нафари қизлар) маҳалла босқичи ғолиблари иштирок этди.

20 октябрь — 4 ноябрь кунлари ўтказилган учинчи, яъни туман (шаҳар) босқичларида 158 124 нафар (шундан 76 226 нафари қизлар) ёшлар куч синашди. Олимпиаданинг ҳудудий босқичлари жорий йилнинг 25 ноябрь куни

ўз якунига етди. Айти пайтда Республика босқичига старт берилди.

Бунда стол тенниси спорт мусобақасининг якуний финал босқичи 24-27 ноябрь кунлари Наманган вилояти, шахмат спорт мусобақаси 27-30 ноябрда Жиззах вилояти, шашка спорт мусобақаси 27-30 ноябрда Сирдарё вилояти, волейбол спорт мусобақаси 27 ноябрь — 1 декабр кунлари Фарғона вилояти, волейбол спорт мусобақасининг қизлар баҳси 27 ноябрь — 1 декабрда Бухоро вилояти, енгил атлетика спорт мусобақаси 30 ноябрь — 3 декабрда Самарқанд вилояти, стритбол спорт мусобақаси қизлар баҳси 1-5 декабрда Хоразм вилояти, ўғил болалар мусобақаси эса 1-5 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади. Шунингдек, стритворкут спорт мусобақаси Андижон вилоятида, кураш Тошкент шаҳрида, киберспорт мусобақаси Бухорода, миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги, «Қувноқлар ва зукколар» танлови, «Ёш китобхон»,

«Заковат» интеллектуал ўйини Тошкент шаҳрида, «Ёшлар рақс» танлови-фестивали Тошкент вилоятида бўлиб ўтади.

Умуман олганда, бугун ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорларини намоён этишига кўмаклашиш борасидаги ишлар энг қуйи бўғин — маҳаллалар даражасида олиб борилмоқда. Бу орқали чека қишлоқ-овуллардаги истеъдодли ёшлар кашф этиляпти, уларнинг спорт, санъат, ахборот технологиялари борасидаги иқтидори юзага чиқмоқда, интеллектуал салоҳияти синовдан ўтказилди. Энг муҳими, бу ишлардан кўзланган мақсад аниқ: ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмайди, интилган, изланган киши, албатта, ўз ниятига етади.

**Азизбек АБДУАЗИМОВ, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бўлим бошлиғи, Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот хизмати раҳбари.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Нуронийлар эътибор ва эъзоздан мамнун бўлишди

«Кексалар учун туризм ойлиги» Бухоро вилоятида кўтаринки кайфиятда ўтказилмоқда. Ойлик доирасида нуронийлар саёҳатга олиб чиқилмоқда. Соғлиқлари тикланиб, санаторийларга йўлланмалар берилляпти. Уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрнини кучайтириш мақсадида турли маърифий учрашувлар ташкил этилмоқда.



Айти вақтда вилоятдаги 544 та маҳалла фуқаролар йиғинида 210 минг 849 нафар кексалар истиқомат қилимоқда. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан туман ва шаҳарлардаги 87 минг 428 нафар кекса авлод вакиллари учун Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Навоий вилоятларига саёҳатлар уюштирилди.

Қолаверса, «Эҳтиром, эъзоз, эътибор» номли концерт дастурлари, «Янги Ўзбекистонни барпо этишда нуронийларнинг ўрни» мавзусида маърифий тадбирлар, «Уч авлод учрашув»лари, юбилей кечалари, «Қўша қариш саодати» тадбирлари бўлиб ўтди. 14 минг 609 нафар нуроний тор мутахассислар ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорларидан иборат таркибда чуқурлаштирилган тиббий куриқдан ўтказилди.

«Саломатлик учун 5 минг қадам» тадбирларига 16 минг 746 нафар кексалар жалб этилиб, 74 нафар нуронийлар ва ўзгалар парваршига муҳтож кексалар санаторийларга дам олишга юборилди. Нуронийлар ва ёшлар иштирокида 555 та тадбир ўтказилиб, кекса авлод вакиллари томонидан 448 та оилаларда юзага келган келишмовчиликлар ўрганилиб, яраштиришга эришилди.

Бухоро шаҳридаги аёллар ва Қоракўл туманидаги эркаклар «Мурувват» уйларида жами 200 нафар кекса доволаниб, истиқомат қилишади. «Ватанни севмоқ имондандир» шиори остида «Мурувват» уйларида истиқомат қилаётганлар вилоятдаги тарихий қадамжоларга саёҳатга олиб чиқилди. Шунингдек, ушбу «Мурувват» уйларида яшовчилар учун ижодий учрашувлар ва концерт дастурлари доимий равишда ташкил этиб келинмоқда.

Вилоятдаги маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда фаол нуронийлар ва ёшлар иштирокида «Ота-онам дуоиси олтиндан қиммат», «Қадриятлар ҳар бир миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini ойнадек кўрсатиб турувчи энг муҳим омиллардан бири», «Оила муқаддас», «Кекса авлоднинг ёшлар тарбияси ва маънавий юксалишидаги ўрни», «Ёши улуғларни эъзозлаш — эзгу қадрият», «Аждодлар мероси мангу яшайди» мавзуларида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказиш тизимли равишда йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, «Кексалар учун туризм ойлиги» тадбирлари вилоятимизда юксак кўтаринкилик руҳида ўтмоқда.

**Учқун СУЛТОНОВ, «Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими етакчи мутахассиси.**

## БИЛАСИЗМИ?

Йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларни такроран бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги тартибни назарда тутувчи ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилади.

# Қонунчиликда 1 декабрдан нималар ўзгаради?

АНЪАНАГА МУВОФИҚ, 2022 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА РЎЙ БЕРАДИГАН АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ

## Субсидия аризаларини кўриб чиқиш тартиби ўзгаради



Киритилаётган ўзгартиришларга асосан, субсидия ажратиладиган талабгорларни танлаб олиш бўйича комиссиялар таркибидан Ёшлар ишлари агентлигининг бўлим бошлиғи ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори чиқарилади.

Субсидия олиш учун аризани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари, Ёшлар ишлари агентлигининг бўлимлари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан кўриб чиқиш тартиби бекор қилинади. Мазкур ташкилотларнинг маълумотлари «subsidiya.idm.uz» дастурий таъминоти орқали автоматик тарзда шакллантирилади.

## «Яшил» ва «қизил» йўлак жорий этилади

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига биноан, йўл-патруль хизмати стационар постларида транспорт воситаларининг тўсиқсиз ҳаракатлини таъминлаш бўйича «яшил» ва «қизил» йўлак тизими босқичма-босқич жорий этилади.


Бунда «яшил» йўлакдан — белгиланган қоидаларга риоя этадиган ва ҳуқуқбузарлик содир этмаган транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳеч қандай тўсиқсиз ва чекловларсиз ҳаракатланади. «Қизил» йўлакдан — қидирувда бўлган, суғурта полисининг муддати ўтган, белгиланган

муддатда техник кўриқдан ўтмаган, вазн ва ҳажм параметрларини бузиб ҳаракатланаётган ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ўз вақтида тўланмаган жаримаси мавжуд бўлган транспорт воситалари ҳаракатланади.

Айтиш керакки, мазкур тамойил Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган «Чинор» ва Наманган вилояти Поп туманида жойлашган «Наманган» йўл-патруль хизмати стационар постларида жорий этилади. Кейинчалик тизим босқичма-босқич республиканинг қолган йўл-патруль хизмати стационар постларида жорий этилади.



## Мобил-IDга бепул идентификация қилиш даври якунланади



Бевосита Давлат хизматлари марказлари ёки нотариал идора орқали фуқароларни Мобил-ID тизимига идентификация қилиш 2022 йил 31 декабрга қадар тўлов ундирилмасдан, 2023 йил 1 январдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдоридан бир марталик тўлов ундирилган ҳолда амалга оширилади.

## Айрим товарлар тўлиқ биржа орқали реализация қилинади



Президент қарорига асосан, 2022 йил 1 декабрдан 2024 йил 1 январгача қуйидаги товарлар ички бозорда фақат биржа савдолари орқали реализация қилинади:

- монопол бўлмаган ва устив фондидан давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган ёки давлат улуши мавжуд бўлмаган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилган:
- металл лист прокати ва цемент — ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 50 фоизи;
- пахтадан олинган чигит, пахта мойи (экстракция пахта мойи), қайта ишланган чигит чиқиндилари (шрот, шелуха) ва истеъмол этиш спирти — ишлаб чиқариш ҳажмининг 100 фоизи.

## Ҳайдовчиларга жарима баллари ҳисобланади



Йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларни такроран бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги тартибни назарда тутувчи ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилади.

○ ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жарима баллари

ҳисоблаб борилади;

○ ҳисобланган жарима баллари белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳайдовчи маълум муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ўрнатилган тартибда маҳрум қилинади;

○ муайян давр мобайнида йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этмаган ҳайдовчиларга кейинчалик ҳисобланган жарима балларини қисқартириш орқали рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

## Оммавий спорт мусобақалари ўтказилади

Ҳар йили аънавий тарзда 30 июнь — Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунин ҳамда декабрь ойида ўтказиладиган «Ёшлар форуми» доирасида спортнинг футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, стритбол, воркаут турлари бўйича беш босқичли оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш тизими жорий этилади. Бунда:

○ биринчи босқичда — кўчалараро маҳалла мусо-

бақалари;

○ иккинчи босқичда — маҳаллалараро сектор мусобақалари;

○ учинчи босқичда — сектор мусобақаларида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари;

○ тўртинчи босқичда — туман (шаҳар) мусобақалари ғолиб маҳалла жамоалари ўртасида вилоят мусобақалари;

○ бешинчи босқичда — вилоят мусобақаларида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида республика (финал) мусобақалари ўтказилади.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Ёшларни қандай масалалар қийнамоқда?

Янги Наманган туманида «Прокурор ва ёшлар учрашуви» ўтказилди. Унда ёшлар ўз таклиф ва мурожаатларини йўллади.



Мурожаатларнинг аксарияти сафарбарлик чақирув резерви шартнома тўлови, ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатларини қоплаш, IT замонавий курсларида ўқиш, паспорт олиш, моддий, тиббий ёрдам, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва бандлик масаласида бўлди.

Сафарбарлик чақирув резерви шартнома тўловлари ўтказиб берилишини сўраб мурожаат қилган 7 нафар, ижара ҳақи тўлашга қийналаётган 2 нафар, сартарошлик

анжомлари олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган 2 нафар, ноутбук олишда ёрдам сўраб мурожаат қилган 2 нафар, контракт тўлови масаласида мурожаат қилган 5 нафар ҳамда тикув машина олишда амалий ёрдам сўраган 2 нафар ўғил-қиз мурожаати жойида ижобий ҳал этилиб, 20 нафар ёшга асбоб-ускуна ва сертификатлар топширилди.

Ечими вақт талаб қиладиган мурожаатлар ҳал этиш учун назоратга олинди.

МИНБАР

Масаланинг бошқа томонига ҳам эътибор қаратиш лозим. Масалан, бундан кейин ҳоким ёрдамчиси лавозимига ишга ўтиш айнан олий таълимга имтиёз сабабли коррупция манбасига айланмайдими? Таниши борлар, йўлини топганлар фарзандини олий маълумотли бўлиши учун бу лавозимдан ўз манфаати йўлида фойдаланмайдими?

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ: ЎҚИШГА ИМТИЁЗ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, БИРОҚ...

**АЙНИ ҲОЛАТДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ЛАВОЗИМИГА ИШГА ЎТИШ АЙНАН ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ИМТИЁЗ САБАБЛИ КОРРУПЦИЯ МАНБАСИГА АЙЛАНМАЙДИМИ? ТАНИШИ БОРЛАР, ЙЎЛИНИ ТОПГАНЛАР ФАРЗАНДИНИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛИШИ УЧУН БУ ЛАВОЗИМДАН ЎЗ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНМАЙДИМИ?**

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ўтган даврда самарали натижаларга эришди. Жумладан, улар кўмагида кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқароларга моддий-маънавий ёрдам берилди. Ўз навбатида ҳоким ёрдамчиларига қатор имтиёзлар берилмоқда. Айни кунларда муҳокамага қўйилган «Олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчиларини давлат олий таълим муассасаларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ҳукумат қарори лойиҳаси шулар жумласидан.



Қарор лойиҳасига кўра, олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчиларини давлат ОТМларнинг иқтисодий таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида сиртқи таълим шаклида ўқишга қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тавсияномаси асосида, кейинчалик ушбу тизимда беш йил ишлаб бериш шарти билан бакалаврият таълим йўналишлари сиртқи таълим шаклига суҳбат натижаларига асосан амалга оширилади.

Тавсияномалар сони ҳудудлар кесимида давлат ОТМларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори билан белгиланади. Тавсияномалар фақат берилган ўқув йили учун амал қилади. Мазкур ҳужжатга эга бўлган ҳоким ёрдамчиларини

рўйхатдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг махсус электрон тизими орқали амалга оширилади. Бунда рўйхатдан ўтиш муддати ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест маркази томонидан келишилган ҳолда белгиланади.

Шу билан бирга, ушбу абитуриентлар билан суҳбат ўтказиш бўйича алоҳида комиссия ташкил этилади. Суҳбатлар тўлиқ видеокузатув остида ўтказилади ва жараёнлар кузатувчилар учун ажратилган алоҳида кутиш жойига онлайн трансляция қилиб борилади. Видеоёзувлар камида уч йил ОТМларда сақланади. Бунда масъулият шахсан муассаса ректори (директори) зиммасига юкланади.

Суҳбат жараёни ҳар йили 5 сентябрдан 15 сентябргача, ОТМ томонидан белгиланган муддатда, суҳбат комиссияси таркиби

камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ўтказилади. Суҳбат ўтказиш дастури ОТМ томонидан ишлаб чиқилади ва муассаса кенгаши қарори билан тасдиқланади. Суҳбат ўтказиш жадвали олийгоҳ расмий сайтида суҳбат ўтказилишидан камида 5 кун аввал жойлаштирилади.

Суҳбат жараёнида мавзулар бўйича тўртта савол берилади. Ҳар бир саволга 25 баллдан ажратилиб, жами тўплаш мумкин бўлган энг юқори балл 100 баллни ташкил этади. Саволлар ОТМ қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади.

Қарор лойиҳаси эълон қилинган сўнг кўпчилик томонидан айрим эътирозлар билдирилди. Жумладан, ҳоким ёрдамчиси лавозимига, аслида, олий маълумотли мутахассислар тайинланиши белгилангани таъкидланди. Ҳўш, аслида ҳам шундайми?

**«Маҳаллада тадбиркорликни**

**ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»**ги Президент фармонида кўра, мазкур лавозимга Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, иқтисодий ва инвестиция комплексларига кирувчи бошқа идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида бўлим (шўба) бошлиғидан паст бўлмаган лавозимда ишловчи раҳбар ходимлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг раҳбар ходимлари тайинланиши кўрсатилган.

Эътиборлиси, бу ўринда тадбиркорлар, бошқа соҳа вакиллари, фаол ёшлар, раҳбарлик лавозимида фаолият юритмаётган

ҳодимлар ва олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар ҳам ишга қабул қилиниши мумкинлиги қайд этилган. Демак, ҳозирда муҳокамага қўйилган юқоридаги қарор лойиҳаси Президент фармони ижроси доирасида ишлаб чиқилган, деган хулосага келиш мумкин.

Лекин масаланинг бошқа томонига ҳам эътибор қаратиш лозим. Масалан, бундан кейин ҳоким ёрдамчиси лавозимига ишга ўтиш айнан олий таълимга имтиёз сабабли коррупция манбасига айланмайдими? Таниши борлар, йўлини топганлар фарзандини олий маълумотли бўлиши учун бу лавозимдан ўз манфаати йўлида фойдаланмайдими? Таклифимиз: қарор лойиҳасида мана шу каби шубҳаларга ўрин қолдирмайдиган, барча жараёнларнинг адолатли ўтишини таъминлайдиган кўшимча киритиш керак.

**Ҳайрулло АБДУРАҲМОНОВ.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Вилоят ҳокими маҳаллаларни кездди

Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнларининг бориши ҳамда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ишлар билан танишиш мақсадида Олот тумани маҳаллаларида бўлди.



Ўрганишлар «Баёт» маҳалла фуқаролар йиғинида кечди. Вилоят раҳбари ҳудудни ўрганиш асосида фуқаролар билан мулоқот қилиб, уларнинг мурожаатлари, муаммо ва таклифларини тинглади. Шунингдек, мазкур маҳалладаги оилавий шифокорлик пунктида беморлар учун яратилган шарт-шароит билан танишиб, куз-қиш мавсумига кўрилган ҳозирликни кўздан кечирди.

«Пахтакор» йиғини — ўрганишларнинг иккинчи манзили бўлди. Дастлаб «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳалла ҳудудига эзгу ниятлар билан манзарали ва мевали дарахт кўчатлари

ўтказилди. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларининг қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати билан танишилди. Ботир Зарипов шу маҳаллада яшовчи Шухрат Дурматов хонадонига бўлиб, чорвачилик, балиқчилик, иссиқхона хўжалиги фаолияти билан танишди. Бу тажрибани вилоят бўйлаб жорий қилиш тўғрисида масъулларга тавсиялар берилди.

Ўрганишлар «Қиртай» ва «Ўзбекистон» маҳаллаларида давом этди. Шу ернинг ўзида вилоят ҳокими маҳаллий аҳоли вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказди. Шунингдек, маҳалладаги «бешлик» — маҳалла

раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори билан учрашиб, ҳудуддаги муаммоларни эрта аниқлаш ва ечим топиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти таҳлил қилиниб, кўрсатмалар берилди. Шу каби ўрганишлар «Арабхона» ва «Халифа» йиғинларида давом эттирилди.

**С.ИБРОҲИМОВ.**

## ВАЗИЯТ

Ўша пайтларда бир муддат иш топа олмадим. Тўғриси, ички ишларга ҳам, бошқа ҳарбийлашган қатор ташкилотларга ҳам ҳужжат топшириб кўрганман. Маҳалла идорасига мурожаат қилганман. Аммо у пайтлар — 2010 йилларда аҳвол ҳозиргидек эмас эди. Иш жуда кам, ҳар бир ўрин учун ҳақиқий кураш кетган.

# Ҳарбий хизматдан қайтганлар ишли бўляптими?

**ҲОКИМЛИКЛАР ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХУДУДИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМАГАН, ЗАХИРАЛАНГАН ИШ ЎРИНЛАРИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИШ БЕРУВЧИЛАРНИ РАФБАТЛАНТИРИШ ИШЛАРИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС**

Аҳолини иш билан таъминлаш — маҳалла раислари олдида турган муҳим вазифалардан бири. Тўғри, бу мақсадга хизмат қиладиган ташкилотлар кўп. Аммо айнан раислар фуқаролар, аиниқса, ёшларнинг муносиб иш билан таъминланишидан кўпроқ манфаатдор. Зеро, бу жиноятчилик, безорилик, оилавий ажралишлар, ҳатто, ичкиликбозлиги гиёҳвандликнинг ҳам энг самарали чораси ҳисобланади. Ўз ўзидан маҳаллалардаги ижтимоий муҳитнинг янада яхшиланишига ҳам хизмат қилади.



Кейинги пайтларда ҳарбий хизматдан қайтган йигитларни муносиб иш билан таъминлаш масаласи кун тартибига чиқиб бормоқда. Масала юзасидан депутатлар, бошқа мансабдор шахслар чиқиш қилишяпти. Зеро, бу жиддий муаммолардан бири. Ҳар йили хизматни ўтаб келаётган минглаб йигит куч-қувватга тўлган, тартиб-интизомга ўрганган хизматчи бўлиши мумкин. Ишлаб чиқаришда улар кучидан фойдаланиш шубҳасиз ижобий самара беради.

— Маҳалламиздан ҳар йили бир неча йигит ҳарбий хизматни ўтаб қайтади, — дейди Фарғона туманидаги «Пастки арча» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Раҳмонов. — Уларни муносиб иш билан таъминлаш масаласи маҳаллий ҳокимият органларининг назорати остида. Кўпинча хизмат қилиб келганлар ички ишлар органларига, божхонага ишга киришади. Ёки шартнома асосида ҳарбийликни давом эттирадиганлар ҳам кўп. Армиядан келиб, олий таълим муассасасига ўқишга кириб кетаётганлар ҳам йўқ эмас. Юқоридагилар боис собиқ аскарни иш билан

таъминлаш масаласида жуда катта муаммолар бор, деб айтолмайман. Зеро, йигитлар армияга чақирилган пайтлардаёқ сараланиб қолади. Ҳарбийга муносиб йигитлар қабул қилинади. Шунга қарамай, айрим ҳолларда ишга киролмаган собиқ ҳарбийларга ҳар томонлама кўмаклашамиз. Бўшаган иш ўринлари ҳақида хабардор қиламиз. Кредитлар бериш орқали тадбиркорликка жалб этамиз. Тўғриси, бундай йигитларимиз орасида меҳнат муҳожирлигига кетаётганлар жуда камчиликни ташкил қилади.

Маҳаллаларда иш тополмаган собиқ ҳарбий хизматчилар ҳам бор, албатта.

— Сурхондарё вилоятида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганман, — дейди Олтиариқ туманидан Аслиддин Мирзакаримов. — Ўша пайтларда бир муддат иш топа олмадим. Тўғриси, ички ишларга ҳам, бошқа ҳарбийлашган қатор ташкилотларга ҳам ҳужжат топшириб кўрганман. Маҳалла идорасига мурожаат қилганман. Аммо у пайтлар — 2010 йилларда аҳвол ҳозиргидек эмас эди. Иш жуда кам, ҳар бир ўрин учун ҳақиқий кураш

кетган. Оқибатда Россияга бориб ишлаб келишга мажбур бўлдим. Ҳозирда тадбиркорлик қиламан. Маҳаллий экспортчиларга мева-сабзавот маҳсулотларини деҳқонлардан сотиб олиб, тайёрлаб бераман. Ишимизни одамлар «брокерлик» деб аташади. Даромадимиз ҳам шунга яраша яхши. Ҳозирда армиядан келиб, биз каби қийналиб юрганларни учратмаялман. Кўпчилиги ўқишга кириб кетади. Ҳеч омади чопмагани эса кредит олиб, тадбиркорликни бошлаб юборяпти.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ҳарбий хизматни ўтаб келганлар орасида ишсизлик масаласи анча камайган. Аммо буни мутлақо йўқ дейиш ҳам нотўғри. Масалан, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси Қуроли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганган ва ўзининг айрим эътирозларини билдирган.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш мақсадида 2021 йилда республика буйича 2 358 та бўш иш ўринлари кўргазмаси ўтказилган, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир Нозим Ҳусанов. — Мазкур тадбирларда 73 146 та корхона, муассаса ва ташкилот 567,2 мингта бўш (вакант) иш ўринлари билан қатнашган. Уларда 2 минг нафарга яқин муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган шахслар иштирок этиб, 212 нафарининг бандлиги таъминланган.

Тўғри, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларнинг иш билан таъминланиши борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ...

— Соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам бор, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шерзод Раҳмонов. — Жумладан, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган ҳудудий комиссиялар фаолияти самарали йўлга қўйилмаган,

туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарорларига асосан захираланган иш ўринларига жойлаштириш ва иш берувчиларни рафбатлантириш ишлари талаб даражасида эмас. Касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида ускуналар олиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан муаммоларнинг олдини олиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қонунчиликда белгиланган тартиблар асосида фаолиятини такомиллаштириши лозим.

Юқоридагилар ўз навбатида, фуқароларнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, йўл қўйилган қатор камчиликлар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларнинг хорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетишларига ҳамда турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларига ҳам сабаб бўлмоқда. Демак, бизнингча, бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қонунчиликда белгиланган тартиблар асосида фаолиятини такомиллаштириши лозим.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

ОҒОҲЛИК

## Тилсиз ёв билан курашишда тек туриб бўлмайди

Қиш — иситиш муаммоси билан боғлиқ фожияларнинг тез-тез содир бўлиши боис йилнинг энг ташвишли мавсуми ҳисобланади. Бу даврда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги оқибатида ёнғинлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши кўпаяди. Албатта, буни ҳеч ким инкор эта олмайди.



Айни ҳолат ҳисобга олиниб, Ҳукумат комиссиясининг тегишли баёни билан 15 ноябрдан — 15 декабргача республика ҳудудида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш белгиланди. Ойлик давомида кўп квартиралар уйлар ва яққа тартибдаги уй-жойлар, бозор, йирик савдо мажмуалари ва аҳоли кўп тўпланадиган бошқа объектларда кенг қамровли профилактик-огоҳлантирув тадбирлари амалга оширилади.

Маҳаллаларда «хонадонбай» тартибиде ўтказилаётган профилактик тадбирларда аҳоли

ўртасида ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш ёки ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Алоҳида эътибор тунда одамлар қоладиган масканларга, шу жумладан, «Меҳрибонлик уйлари», «Мурувват» ва «Саховат» уйлари қаратилиб, мунтазам равишда кўриклари ўтказилапти.

Мазкур ойликда фуқаролардан электр, газ ва иссиқлик таъминоти қурilmаларини доимий

назорат қилиб бориш, улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиш, корхона ва ташкилот раҳбарларидан эса давлат ёнғин назорати органларининг тавсиянома ёки ёзма кўрсатмаларидаги ёнғинга қарши тадбирларни ўз вақтида бажариш талаб қилинади.

Нурбек НУРМОҲОВ,  
Миробод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими  
Профилактика ва назорат бўлими инспектори,  
лейтенант.

## НУҚТАИ НАЗАР

Барча тиббиёт ОТМлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг магистратура ва клиник ординатура мутахассисликларининг битирувчи курс талабаларига тўлиқ ставкага фаолият кўрсатишига рухсат берилди.

# Талабаларга шифохонада ишлаш ҳуқуқи берилди

**ТАХЛИЛЛАРГА КЎРА, ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ОИЛАВИЙ ШИФОКОР, УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРЛАРИНИНГ ЕТАРЛИ ЭМАСЛИГИ, БАЪЗИ ХУДУДЛАРДА ТОР СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ЙЎҚЛИГИ, МАЛАКАЛИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КЎПРОҚ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ МАЪЛУМ БЎЛДИ**



Халқ саломатлиги ва соғлом миллат генофонди ҳар бир давлатнинг муҳим бойлиги саналади. Шу боис давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ аҳоли саломатлигини асраш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берди. Соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар ўтказиш, айниқса, оналар, гўдаклар ўлими, ногиронликни имкон қадар камайтириш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кун тартибига олиб чиқди.

Очиғи, кейинги йилларда кадрлар масаласида камчиликларимиз кўзга ташланиб қолди. Айниқса, чекка ҳудудларда оилавий шифокор, умумий амалиёт шифокорларининг етарли эмаслиги, баъзи ҳудудларда тор соҳа мутахассислари йўқлиги, малакали тиббиёт ходимлари кўпроқ Тошкент шаҳрида фаолият юритиши таҳлил қилинди.

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, барча тиббиёт ОТМларининг «Даволаш иши» ва «Педиатрия иши» таълим йўналишлари битирувчи курс талабалари ўқув йилининг биринчи семестри (5 ой) давомида доимий яшаш жойидаги тиббиёт муассасаларида амалиёт ўташи, режадаги маъруза ва ўқув машғулотларининг назарий қисмини масофавий шаклда олиб борилиши жорий қилинди.

Бундан ташқари, «Давлат тиббиёт муассасаларини кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига асосан, 2022/2023 ўқув йилидан барча тиббиёт ОТМларининг «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва

«Тиббий-профилактика иши» бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчи курс талабаларига меҳнат шартномаси асосида тўлиқ ставкага бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оилавий шифокор, тез тиббий ёрдам муассасаларида шифокор ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлиmlарида мавжуд шифокор вақант ўринларида ишлаш ҳуқуқи берилди.

Қолаверса, барча тиббиёт ОТМлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг магистратура ва клиник ординатура мутахассисликларининг битирувчи курс талабаларига ўз йўналишидаги мутахассислик бўйича мавжуд вақант ўринларда меҳнат шартномаси асосида тўлиқ ставкага фаолият кўрсатишига рухсат берилди.

«Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Тиббий-профилактика иши» бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлари

ўқув режаларидаги фанлар ва амалий машғулотларнинг назарий қисмини масофавий шаклда ўзлаштиради. Худди шундай тартиб битирувчи курс талабалари учун ҳам (қоида тариқасида, доимий яшаш жойларидаги ёки ўзларининг розилиги билан бошқа жойлардаги) жорий этилган. Бунда тиббиёт муассасаларининг тажрибали шифокорлари ҳамда тиббиёт ОТМларининг масъул профессор-ўқитувчилари «устоз-шоғирд» тизими асосида талабалар, магистр ва клиник ординаторларга бириктирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари биринчи босқичда 2022 йил 1 октябрдан бошлаб Сурхондарё вилоятида, иккинчи босқичда 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида мавжуд вақант лавозимларга талабалар, магистр ва клиник ординаторларни ишга жойлаштириш чораларини кўради.

Бир сўз билан айтганда, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган бу каби ислохотлардан кўзланган мақсад аниқ: тиббиётни юқори самара билан ишлайдиган, чинакам халқчил тизимга айлантириш. Юқоридаги чора-тадбирлар ана шу мақсадга хизмат қиладди, албатта.

**А.ИСКАНДАРОВА,  
Беқобод тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.**

ҲУҚУҚ

## Саробга алданганлар қисмати

Маълумки, муқаддас динимиз инсонни фақат ва фақат эзгуликка, ҳалолликка, покликка даъват этиб келган. Бу барчага аён ҳақиқат. Аммо дунё миқёсида шундай бир тоифа борки, улар Ислom динини ниқоб қилиб олган ҳолда кўпуровчилик, бузғунчилик сингари жирканч ишларини амалга оширади. Ўзгаларни алдаб, ўзларининг пуч ғояларига эргаштиради. Билимсиз, дунёқараши тўлиқ шакланмаган, оқу қорани фарқлай олмайдиган гўр ёшлар эса бу тузоққа осонгина илинади.

Афсуски, пойтахтимизда яшовчи Дарҳон Тўлқинбеков, Ғиёсиддин Холманов, Саидбой Адҳамжонов ва Неъматилла Шамсутдиновлар (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам ана шундай боши берк кўчага кириб қолишди.

Гап шундаки, 2021 йилнинг бошларида Д.Тўлқинбеков «Ислom давлати» террористик ташкилоти аъзоси Муҳаммад Ўралов (жиноят ишининг унга нисбатан бўлган қисми алоҳида иш юритувига ажратилган) томонидан яратилган «JTM Group» номи виртуал террористик гуруҳига аъзо бўлади. Орадан 2 ой ўтгач, мазкур гуруҳга Ғиёсиддин, Саидбой ва Неъматиллани ҳам аъзо қилишга эришади. Сўнгра Муҳаммад билан Дарҳон мунтазам равишда «Ислom давлати»нинг ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш орқали улар онгини заҳарлашган.

Шунингдек, Д.Тўлқинбеков ўзининг «iPhone 6», «VIVO Y31» русумли, Ғ.Холманов эса «iPhone 7» русумли уяли телефонлари хотирасидаги диний-экстеримистик материалларни виртуал гуруҳга тарқатиб, ташкилот ғояларини сингдириш орқали бошқаларни келгусида «жиҳод» ва «ҳижрат» қилишга жалб этган. С.Адҳамжонов «Жанговар мафкура» номи ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган электрон китобни уйдаги «CANON 6020 LBP» русумли принтерда чоп этиб, сақлаган ҳамда мунтазам равишда ўқиб-ўрганган.

Бундан ташқари, Ғиёсиддин Муҳиддин ва Дарҳон томонидан юборилган қўлланма тарзидаги видеороликдан фойдаланиб, уй шароити «киса» номи портловчи модда ва ускуна ясашга киришган. Худди шундай топшириқни Саидбой ва Неъматилла ҳам бажарган. Хусусан, С.Адҳамжонов ўз уйида 3 дона 9 Вт. қувватли батареяка, 1 та радиореле, 1 та бошқарув пулти, 6 дона турли рангли симлар ва 1 дона пўлат сим бўлаги асосида портловчи моддани ҳаракатга келтирувчи қўлбола ускунани ясаб, Ғ.Холмановга топширган. Ўз навбатида Ғиёсиддин қўлбола ускунасини қабул қилиб олгач, унинг 100 метр узоқликдан ишлашини тек-

шириб кўрган. Кейин бу ҳусусда жиноий шерикларини хабардор қилиб, портловчи мосламани яшаш манзилига яшириб қўйган.

Шундан сўнг Дарҳон Тўлқинбеков виртуал гуруҳ раҳнамоси М.Ўраловнинг назорати остида юқоридаги портлатиш ускунасини ўзи ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Туризм ва маданий мерос вазирлиги ер тўласидаги ҳайдовчиларнинг дам олиш хонасига жойлаштириб қўяди. Ғ.Холманов томонидан эса Д.Тўлқинбековнинг махсус ишораси орқали портловчи ускунани ҳаракатга келтириш ва террористик хуружни содир этиш режалаштирилган.

Бирок 2022 йил 19 февраль куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-тадбир давомида тўрттала йигит ҳам ушланиб, террористик ҳаракатнинг олди олинган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 19, 24 февраль, 4 март ва 14 апрелдаги ҳулосаларига асосан, Дарҳон, Ғиёсиддин, Саидбой ҳамда Неъматилланинг уяли телефони хотирасидаги материаллар «Ироқ ва Шом», «Ўзбекистон Ислom Ҳаракати» халқаро террористик ташкилотларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини ўзгартиришга хизмат қилувчи, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, экстремистик ташкилотларга хайрихоҳликни уйғотувчи, мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, сақлаш ва тарқатиш тақиқланган материаллар сирасига кириши аниқланган.

Албатта, жиноят катта-кичикми, жазосиз қолмаслиги шарт. Бинобарин, «қаҳрамон»ларимизга нисбатан жиноят иши кўзғатилган. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди уларни Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбдор, деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди.

**Музаффар КУКИЕВ,  
Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судьяси.**

## ИБРАТЛИ ОИЛА

Бугун мамлакатимизда кекса авлод вакилларига қаратилаётган юксак эътибор шундоқ ҳам уларнинг тилидан тушмас шукроналик ҳиссини минг чандон оширди. Шунинг учун Ҳасанбой ота каби кексалик гаштини сураётган отахону онахонларимизнинг қадди баланд, руҳияти тетик, уларнинг ҳар бири ишга чанқоқ.

# Ҳар бир маросим нуронийлар иштирокида ўтади

**КАТТА ҲАЁТ ТАЖРИБАСИГА ЭГА ОТАХОНУ ОНАХОНЛАР МАҲАЛЛАНИНГ «ОЛТИН ФОНДИ» ДЕЙИШ МУМКИН. БУ ТАБАРРУК ИНСОНЛАР «КЕКСАЛАР МАСЛАҲАТИ» ГУРУҲИНИ ТАШКИЛ ЭТИБ, МАҲАЛЛАГА ҲАР КУНИ ФАЙЗ КИРИТАЁТГАНИНИНГ ЎЗИЁҚ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИДИР**

Дунёнинг бошқа халқларига қараганда, ўзбекларда кекса-нуронийларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Ҳар бир эзгу иш, бунёдкорлик ва ободончилик тадбирлари, маҳалладаги тўю маъракалар уларнинг дуоси, маслаҳати, кўрсатмаси билан бошланади. «Қариси бор уйнинг париси бор», деган нақл бежиз айтилмаган.



Андижон вилояти Хўжабод тумани маҳаллаларида ҳам кекса отахону онахонларга эътибор кўрсатиш баробарида уларнинг бой ҳаёт тажрибасидан унумли фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда. Тумanning «Жоме» маҳалласида яшовчи Ҳасанбой ота Рўзиев ана шундай пиру бадавлат нуронийлардан ҳисобланади.

— Ҳасанбой ота Рўзиевнинг оиласи маҳалламизнинг энг намунали оиласи сифатида эътироф этилган, — дейди маҳалла раиси Маҳмуджон Аҳмедов. — Отахон турмуш ўртоғи Мукаррамхон ая Рўзиева билан биргаликда 6 нафар фарзандни эл қорига яровчи, илмли инсонлар этиб тарбиялашган. Маҳалладошлар у кишига «уста», дея ҳурмат билан мурожаат қилишади. Сабаби, отахон мактабни тамомлагач, дурадгорликка шогирд тушган бўлса, харбий хизматдан қайтиб, 13

йил давомида тумандаги қурилиш ташкилотидан ишлади. Шундан сўнг туман ичимлик суви таъминоти бўлимида уста лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирган. Фарзандларидан икки нафари ички ишлар тизимида ишлаётган бўлса, 3 нафари отасининг йулни танлаб, дурадгор уста бўлиб етишди, бир нафари текстиль соҳасида фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, гарчи кексалик гаштини сураётган бўлса-да, ўз тажрибасини маҳалла ёшларига ўргатиб келмоқда. Бирор тадбир, маросим Ҳасанбой ота иштирокисиз ўтмайди.

Маҳалла раисининг қайд этишича, йиғиндаги низоли оилаларда маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларда камол топаётган фарзандларнинг баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш мақсадида айрим оилалар Ҳасанбой ота каби

фаол нуронийларга васийликка бириктирилган. Бундай катта ҳаёт тажрибасига эга отахону онахонлар маҳалланинг «олтин фонди» дейиш мумкин. Бу табаррук инсонлар «Кексалар маслаҳати» гуруҳини ташкил этиб, маҳаллага ҳар куни файз киритаётганининг ўзиёқ ёшлар учун ибрат мактабидир.

Ҳасанбой ота ҳам маҳалланинг «Кексалар гуруҳи» аъзоси. Маҳалладаги хашарлар, тадбирлар ва бошқа ишларда фаол ташкилотчи. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларидан четда турмайди. Яна бир эътирофга арзирли ҳолат — бу хонадонда бирор қарич бўш ерни топа олмайсиз. Томорқадан унумли фойдаланишда, аввало, ўзлари ибрат ва намуна бўлиб, бошқалардан ҳам шуни талаб қилади.

Қолаверса, нуронийларни

маҳаллада оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга кенг жалб этиш мақсадида «Бир нуроний ўн ёшга масъул», «Кекса авлод учрашувлари», «Саломатлик учун беш минг қадам» каби тадбирларда Ҳасанбой Рўзиев доимо ташаббускор. Маҳалладаги тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюлмаган ва ишсиз ёшлар билан ишлашда ҳам у кишининг тажрибасидан фойдаланилади.

Нуронийлик кексалик гаштини сураётган Ҳасанбой ота билан суҳбатлашганимизда, маҳалла аҳли, қўни-қўшнилар таърифи нечоғли тўғри эканига амин бўлдик.

— Бугун кексаларга берилган эътибор, ғамхўрлик ва эъзоздан бошимиз кўкка етмоқда, — дейди Ҳасанбой ота Рўзиев. — Ўз навбатида бу ғамхўрликка биз ҳам муносиб

жавоб қайтаришимиз лозим. Кексалар чеккада томошабин бўлиб туришимиз асло мумкин эмас. Ёшларга ўзимизнинг кўп йиллик тажрибамиз, маҳоратимиз ҳақида маслаҳатларимизни беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳа, деб ўтиравермасдан, қаддимизни тик тутиб, доимо ҳаракатда бўлишимиз керак.

Ҳа, чиндан ҳам бугун мамлакатимизда кекса авлод вакилларига қаратилаётган юксак эътибор шундоқ ҳам уларнинг тилидан тушмас шукроналик ҳиссини минг чандон оширди. Шунинг учун Ҳасанбой ота каби кексалик гаштини сураётган отахону онахонларимизнинг қадди баланд, руҳияти тетик, уларнинг ҳар бири ишга чанқоқ. Бу ҳам, ўз навбатида, ёш авлод вакиллари учун ўзига хос ибрат мактабидир.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Маҳалла кубоги» хонободликларга насиб этди

Бугун маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазунли ўтказиш, спортни кенг тарғиб этиш мақсадида турли турнирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Ёзёвон туманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан стол тенниси бўйича «Маҳалла кубоги» мусобақасининг туман босқичи якунланди.



13-16 ёшдаги ҳаваскор ўғил-қизлардан иборат жамоалар ўзаро беллашган спорт тадбирида туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари С.Усмонова, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Охуновлар иштирок этди.

— Қизгин ва муросасиз баҳсларда маҳалла ёшлари спортга бўлган қизиқишларини яна бир бор исботладилар, — дейди Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Охунов. — Маҳалла ёшлари ўртасида кечган ушбу беллашув нафақат ғолибларни аниқлаш, балки ёшларни спортга қизиқтириш, улар-

нинг вақтларини мазмунли ўтказиш, спорт билан мунтазам шугулланиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда оммавий спортни ривожлантиришга хизмат қилади.

Яқуний натижаларга кўра, «Хонобод» маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси 1-ўринни қўлга киритган бўлса, «Ёшлик», «Тошховуз» маҳалласи вакиллари 2-, 3-ўринларни банд этди. Иштирокчилар қимматбаҳо совға ва диплом билан тақдирланди.

Гулчеҳра ОБИДОВА,  
Ёзёвон тумани «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир  
**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
«Mahalla» газетаси муҳаррири  
**Санжар ИСМАТОВ**  
«Mahalla ko'zgusi»  
журнали муҳаррири:  
**Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ**  
Дизайнер:  
**Абдулазиз АҲМЕДОВ**

**Mahalla**

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:  
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy'i» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.  
Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Обуна бўлими: 71 233-10-92.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Улчами — А3, 4 босма табоқ.  
**7 900 нусхада чоп этилди.**  
Буюртма №: Г-1118  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

